- морфометрических характеристик озерной чаши и озерной котловины (связь с уровнем воды в озере и площадью зеркала озера);
- формы озера, деформации берегов, влияния ветра, волн.

В ходе исследований изучались десятилетние (2008-2018 гг), годовые (сезонные) и кратковременные колебания уровня воды в озере. Амплитуда многолетних и годовых колебаний уровня воды в озере зависит от различных факторов, включая климатические условия, тип питания, водонакопление, размер озера, геологическое строение и т. д.

Абсолютные значения амплитуды колебаний уровня воды естественных озер изменяются от десятков сантиметров до 2-4 м и более в зависимости от сочетания вышеперечисленных условий. В период исследований уровень воды в озере Джылтырбас колебался от 50,63 м до 52,3 м, амплитуда уровня воды в среднем составляла 1,67 м (рис. 3).

Изменения многолетних значений объема воды в озере зависят от различных факторов. Совокупность и количество этих факторов можно оценить, составив уравнение водного баланса (m^3):

$$W_O + W_{AY} - W_{KO} - W_B = \pm \Delta W$$

где, W_O – объем поверхностного и подземного стока, W_{AY} – объем атмосферных осадков, W_{KO} – отток из озера, W_B – испарение с поверхности озера, ΔW – изменение объема воды, поступающего в озеро в период исследования [Калабаев, 2019].




Рис. 3. Межгодовые колебания уровня и объема воды озера Джылтырбас

Fig. 3. Interannual fluctuations in water level and volume inflow of Dzhyltyrbas Lake

За исследуемый период (2008-2018 гг.) общий приток воды в озеро составил 7598,86 млн. м³, а отток – 4266,38 млн. м³. Максимальные значения приходной и расходной частей наблюдались в 2010 году, при этом приходная часть ($W_{п}$) равнялась 1601 млн. м³, расходная часть ($W_{р}$) – 1084,1 млн. м³. В результате выпадения большого количества осадков в этом году наблюдалось самое высокое среднегодовое значение уровня воды – 52,17 м. Величина притока в озеро является основным фактором, влияющим на режим уровня воды, что хорошо видно из анализа уравнения водного баланса и рисунка 3.

Сезонные колебания уровня воды озера зависят от сезонных изменений количества воды в реке и метеорологических условий. При изучении сезонных колебаний было установлено, что наименьшее значение средних месячных уровней воды соответствует осеннему сезону (октябрь-ноябрь) 50,63-50,94 м, а наибольшее значение уровня воды соответствует летнему сезону (август) 52,3 м. Уровень воды в озере преимущественно низкий в зимние и осенние месяцы (рис. 4). Такое колебание уровня воды связано со стоком, поступающим из коллекторов КС-1, КС-3 и канала Казахдарья. Например, из этих водотоков в летние месяцы в озеро поступает 117-220 млн. м³ воды, а в осенне-зимние месяцы – 27-52 млн. м³ воды. В связи с малой испаряемостью в осенне-зимний периоды и наоборот высокой испаряемостью в летние месяцы амплитуда сезонных колебаний уровня воды в озере составляет 1-1,5 м.




Рис.4. Внутригодовое распределение уровня воды озера Джылтырбас

Fig.4. Intra-annual distribution of the water level of Dzhyltyrbas Lake

Колебания уровня воды в озере происходят в результате волнения, усиления ветра и сейш. Средняя глубина озера составляет 1,2-1,7 м, максимальная глубина достигает 3,2 м.

Морфометрия. На основе ГИС-технологий составлен водный кадастр исследуемого водоема. Для этого были использованы платформы Google Earth и программа SAS Planet. По полученным результатам определены следующие морфометрические параметры озера Джылтырбас: длина озера (км), длина береговой

линии (км), максимальная ширина (км), средняя ширина (км), площадь зеркала (км²) (табл.1).

Таблица 1

Морфометрические показатели озера Джылтырбас

Table 1

Morphometric parameters of Dzhylytyrbas Lake

Год	Длина, км	Протяженность береговой линии, км	Максимальная ширина, км	Средняя ширина, км	Площадь зеркала, км ²
2006	30,17	104,00	19,40	12,4	374,7
2010	31,70	109,62	20,0	13,4	422,6
2014	27,50	97,46	18,7	12,1	333,1
2018	31,30	105,63	19,8	12,7	398,2

Максимальную и среднюю глубину озера невозможно определить, используя Google карты или приведенные выше программы. Эти характеристики определяются измерениями, расчетами и по топографическими картами крупного масштаба. По данным дельтового управления Приаралья за 2019 год в озере Джылтырбас объем воды составлял 447,1 млн м³, площадь водного зеркала – 297 млн м³, средняя глубина – 1,5 м.

Мониторинг современного состояния озера. В течение 2010-2018 годов проводился мониторинг водной поверхности и площади поверхности водно-болотных угодий (ветландов) озера Джылтырбас. За исследуемый период максимальное значение площади открытой водной поверхности озера наблюдалось в 2010 г. (422 км²), а минимальное – в 2011 г. (50,6 км² га), то есть за год рассматриваемая площадь уменьшилась в 8 раз (рис. 5).




Рис. 5. Динамика площади водной поверхности и площади ветландов

Fig. 5. Dynamics of the water surface and area of wetlands

В 2010-2018 годах площадь открытой водной поверхности озера демонстрировала переменную и неустойчивую динамику. Кроме того, водная поверхность озера сильно изменчива и неустойчива в течение нескольких месяцев. При изучении значений площади ветландов было замечено, что наибольшая площадь была в 2013 г. (1516 км²), а минимальная – в 2014 г. (618 км²), то есть наблюдается уменьшение почти в 2,5 раза. В последний год периода наблюдений (2018 г.) водная поверхность озера равнялась 57 км², а площадь водно-болотных угодий (ветландов) – 1400 км².

По данным мониторинга состояния озера, наибольшая приходная часть водного баланса в 2010 году составила 1601 млн м³, а расходная часть – 1084 млн м³. В ходе исследования выяснилось, что большое испарение (900-1000 мм), мелководье ($h=1,2-1,7$ м) и изменения количества воды, поступающей в озеро, резко меняют экосистему и гидрологический режим озера. Это, в свою очередь, свидетельствует о том, что на озере нет достаточных естественных условий для устойчивого развития экологического состояния озера.

Выводы. Анализ результатов исследования позволяет сделать следующие выводы.

Джылтырбас – одно из крупнейших озер (после озера Судочье) в районе Южного Приаралья. По данным спутникового информационного портала Геологической службы США (USGS) за 1972-2018 годы выявлено, что в 1980 году связь залива с морем ослабла, а в 1989 году связь оборвалась и он начал формироваться как отдельный водоем. Однако, в отдельные многоводные годы озеро сбрасывало свои воды в Аральское море.

Минерализация воды в озере достигает 3,4-3,5 г/л, в составе воды преобладали сульфат- и хлорид-ионы, среди катионов – ионы натрия.

За исследуемый период уровень воды изменился с 50,6 м до 52,3 м, а амплитуда уровня воды равнялась 1,67 м. При изучении сезонных колебаний уровня воды озера наименьшее значение среднего месячного уровня воды соответствовало осеннему сезону (октябрь-ноябрь) и колебалось в пределах 50,6-50,9 м, наибольшее значение уровня воды соответствовало летнему сезону. Уровень воды в озере низкий в зимние и осенние месяцы. В связи с высокой испаряемостью, в летние месяцы амплитуда сезонных колебаний уровня воды составляет 1-1,5 м.

При изучении морфометрических характеристик озера выяснилось, что максимальные значения наблюдались в 2010 году: длина озера составляла 31,7 км, длина береговой линии – 110 км, максимальная ширина – 20,0 км, площадь водной поверхности – 422 км². По состоянию 2019 года объем воды в озере составлял 447,1 млн. м³, площадь водного зеркала – 297 км², средняя глубина – 1,5 м.

За исследуемый период (2006-2018 гг.) максимальное и минимальное значения площади открытой водной поверхности озера различались в 8 раз. Площадь открытой водной поверхности озера в рассматриваемый период демонстрировала изменяющуюся и неустойчивую динамику. Наибольшая площадь заболоченного участка озера отличалась от минимального значения в 2,5 раза. В 2018 г. водная поверхность озера равнялась 57 км², а площадь водно-болотных угодий – 1400 км².

Как уже упоминалось выше, основным источником питания озер, расположенных в районе Южного Приаралья, являются речные и коллекторно-дренажные воды. В связи с этим, гидрологический режим и морфометрические характеристики озера Джылтырбас зависят от объема речных и коллекторно-дренажных вод. Проведение мониторинга гидрологического режима показывает, что ежегодное уменьшение стока реки Амударья ставит под вопрос будущее состояние экосистемы озера. Если в течение года в озеро не будет поступать вода из реки и коллекторов, то оно практически высохнет.

Вклад авторов. Б.Е. Аденбаев: научное руководство, постановка задачи, анализ результатов, написание текста. С.Б. Калабаев: сбор и обработка материалов, табличное и

графическое представление результатов, оформление. Все авторы прочитали и согласны с подготовленной к публикации версией рукописи.

ЛИТЕРАТУРА

- Атлас беспозвоночных Аральского моря. – М.: Пищ. пром-сть, 1974. – 272 с.
- Догановский А.М. Уровенный режим озер – интегральный показатель климатических и экологических изменений // Труды V Всесоюзного гидрологического съезда. – Л.: Гидрометиздат, 1967. – С. 103-110.
- Калабаев С.Б., Йўлдошбаева М.Р. Қуйи Амударё сув объектларининг гидрографик тавсифи / Ўзбекистон География жамияти, 56-том. 2019. – Б. 235-239.
- Комплексные дистанционные и наземные исследования осушенного дна Аральского моря» / Под ред. проф. В.А. Духовного. – Ташкент: НИЦ МКВК, 2008. – 190 с.
- Константинова Л.Г. Функционирование бактериальных сообществ водоемов и водотоков Южного Приаралья в условиях антропогенного воздействия: Дисс. докт. биол. наук / Институт микробиологии. – Ташкент, 1993. – 328 с.
- Курбанбаев Е., Артыков О., Курбанбаев С. Интегрированное управление водными ресурсами в дельте реки Амударьи. – Ташкент: 2010. – 145 с.
- Мониторинг биоразнообразия ветландов Южного Приаралья. Под ред. Соколова В.И. – Ташкент: «Агентство МФСА», 2019 - 61 с.
- Рогов М.М., Ходкин С.С., Ревина С.К. Гидрология устьевой области Амударьи. – М.: Гидрометеиздат, 1968. – 268 с.
- Тургунов Д.М., Султашова О.Г., Калабаев С.Б., Йўлдошбаева М.Р. Давутқўл кўлининг сув сатҳи режими / Гидрометеорология, иқлим ўзгариши ва атроф-муҳит мониторинги: долзарб муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. Халқаро илмий-амалий конференция. – Тошкент, 2021. – Б. 232-235.
- Южное Приаралье – новые перспективы. Под ред. проф. В.А. Духовного и Ю. Де Шуттера. – Ташкент: «Нори», 2003. – 154 с.
- Karimov B., Kamilov B., Upare M., Van Anrooy R., Bueno P., Shokhimardanov D. Inlandcapture fisheries and aquaculture in the Republic of Uzbekistan: current status and planning // FAO Fisheries and Aquaculture circular. Rome, FAO. 2009. № 1030/1. 124 p.

ЖИЛТИРБАС КЎЛИНИНГ ГИДРОГРАФИЯСИ, МОРФОМЕТРИЯСИ ВА ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ МОНИТОРИНГИ

Б.Е. АДЕНБАЕВ¹, С.Б. КАЛАБАЕВ¹

¹ Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети,
bahtiyor.adenbayev@mail.ru, salauat.kalabayev@mail.ru

Аннотация. Мақола Жилтирбас кўлининг гидрографияси, морфометрияси ва ҳозирги ҳолатининг мониторингини ўрганиш масалаларига бағишланган. Иини бажариши жараёнида Ўрта Осиё ирригация илмий тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиали, Орол бўйи дельта бошқармаси ҳамда Америка геология хизматининг (USGS) ахборот портали маълумотларидан, шунингдек, Google Earth платформаси ва SAS Planet дастурларидан фойдаланилди. Ўрганилаётган давр оралгида кўлга умумий ҳажмда 7598,86 млн. м³ сув тушган бўлса, чиқим қисми эса 4266,38 млн. м³ ни ташкил этган. Қирим ва чиқим қисмларининг максимал қийматлари 2010 йилда кузатилиб, мос равишда (W_1) 1601 млн. м³, (W_2) 1084,1 млн. м³ га тенг бўлган. Мазкур йилда кўлга катта ҳажмдаги сув тушганлиги натижасида сув сатҳининг ўртача йиллик қиймати 52,17 м ни ташкил этган.

Калит сўзлари: Жилтирбас кўли, сув сатҳи, сув юзаси майдони, кўл узунлиги, қирғоқ чизигининг узунлиги, ўртача ва максимал чуқурлик, сув сатҳининг тебраниши, сув баланси.

**HYDROGRAPHY, MORPHOMETRY AND MONITORING OF THE
PRESENT STATE OF DZHYLTIRBAS LAKE****B.E. ADENBAYEV¹, S.B. KALABAEV¹**

¹National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek,
bahtiyor.adenbayev@mail.ru, salauat.kalabayev@mail.ru

Abstract. *The article is devoted to the study of hydrography, morphometry and monitoring of the current state of the Dzhylytyrbas Lake. At the same time, standard Google Earth platforms and SAS Planet programs were used, as well as stock materials of the Karakalpak branch of the Central Asian Research Institute of Irrigation, the information portal of the American Geological Survey (USGS). The amplitudes of fluctuations in the water level and the surface area of the lake are revealed. During the study period, the total inflow into the lake was 7598.86 million m³, and the outflow was 4266.38 million m³. The maximum values of the incoming and outgoing parts were observed in 2010, while the incoming part (Wp) was equal to 1601 million m³, and the outgoing part (Wr) was equal to 1084.1 million m³. In 2010, the maximum value of the average annual water level of 52.17 m was also observed.*

Keywords: *Dzhylytyrbas Lake, water level, water surface areas, lake length, indentation of the coastline, average and maximum depth, fluctuations in water levels, water balance.*

REFERENCES

Atlas bespozvonochnykh Aralskogo morya [Atlas of invertebrates of the Aral Sea]. – M.: Pishch. prom-st, 1974. – 272 s. (in Russian)

Doganovsky A.M. Urovennyj rejim ozer – integralnyj pokazatel klimaticheskix i ekologicheskix izmeniy [The level regime of lakes is an integral indicator of climatic and environmental changes] // Trudi Vsesoyuznogo gidrologicheskogo syezda. – L.: Gidrometizdat, 1967. – S. 103-110. (in Russian)

Kalabaev S.B., Yoldoshaeva M.R. Quyil Amudaryo suv ob'ektlarining gidrografik tavsifi [Hydrographic description of the lower Amudarya water bodies] / O'zbekiston Geografiya jamiyati, 56-tom. 2019. – B. 235-239. (in Uzbek)

Kompleksnyye distantsionnye i nazemnyye issledovaniya osushennogo dna Aralskogo morya [Comprehensive remote and ground studies of the dried bottom of the Aral Sea] / Pod red. prof. V.A.Duxovnogo. – Tashkent: NITS MKVK, 2008. – 190 s. (in Russian)

Konstantinova L.G. Funktsionirovanie bakterialnykh soobshchestv vodoemov va vodotokov Yujnogo Priaralya v usloviyax antropogennogo vozdeystviya: Diss. dokt. biol. nauk [Functioning of bacterial communities reservoirs and streams of the South Aral Sea region in the conditions of anthropogenic impact: Diss. Doc. Biol. Sciences] / Institut Mikrobiologii. – Tashkent, 1993. – 328 s. (in Russian)

Kurbanbaev E., Artykov O., Kurbanbaev S. Integrirovannoe upravlenie vodnymi resursami v delte reki Amudari [Integrated water resources management in the Amudarya river delta]. – Tashkent: 2010. – 145 s. (in Russian)

Monitoring bioraznoobraziya vetlandov Yujnogo Priaralya. [Biodiversity Monitoring of Wetlands in the Southern Aral Sea]. Pod red. Sokolova V.I. – Tashkent: "Agentstvo MFSA", 2019. – 61 s. (in Russian)

Rogov M.M., Khodkin S.S., Revina S.K. Gidrologiya ustevoy oblasti Amudari [Hydrology of the mouth area of the Amu Darya]. – M.: Gidrometeoizdat, 1968. – 268 s. (in Russian)

Turgunov D.M., Sultashova O.G., Kalabaev S.B., Yuldoshaeva M.R. Davutkul kulining suv sati regimi [Water level regime of Lake Davutkol] / Gidrometeorologiya, iqlim o'zgarishlari va atrof-muxit monitoringi: dolzarb muammolar va ularni bartaraf etish yo'llari. Xalqaro ilmiy-amaliy konferentsiya. – Tashkent, 2021. – B. 232-235. (in Uzbek)

Yujnoe Priarale – novye perspektivy [South Prearalie - new perspectives]. Pod red. prof. V.A.Duxovnogo, Yu. De Shuttera. – Tashkent: "Nori", 2003. – 154 s. (in Russian)

УДК: 556.06.394.2

ҚОР ҚОПЛАМИ МОНИТОРИНГИ АСОСИДА ПИСКОМ ДАРЁСИ ВЕГЕТАЦИЯ ДАВРИ ОҚИМИНИ ПРОГНОЗЛАШ**Д.Ў. ЯРАШЕВ^{1*}, А.А. ҒАФУРОВ², А.А. ҒАФУРОВ³, Ғ.Ў. УМИРЗАҚОВ^{1,4}**¹ Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти, dyarashev0896@gmail.com² Германия Ер тадқиқотлари маркази (GFZ Potsdam), gafurov@gfz-potsdam.de³ Гидрометеорология хизмати маркази, akmal.a.gafurov@gmail.com⁴ Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети, g.umirzakov@gmail.com

Аннотация: Мақолада MODIS қор қоплами динамикаси маълумотлари асосида тоғ дарёларининг вегетация даври оқимини узоқ муддатли прогнозлаш имкониятлари Писком дарёси мисолида ўрганилган. Ишда масофадан зондаш – MODIS маълумотлари бўйича ҳисобланган қор қоплами индекси кўрсаткичлари асосида прогнозлашнинг регрессия тенгламалари тузилган ва Писком дарёси вегетация даври оқими прогнози амалга оширилган. Прогнозларнинг ўзини оқлаш даражаси ва самарадорлиги қабул қилинган турли мезонлар бўйича баҳоланган.

Калит сўзлар: дарё оқими, оқим прогнози, вегетация даври, масофадан зондаш, қор қоплами, қор қоплами индекси, MODIS, регрессия тенгламаси, прогноз самарадорлиги, NSE, нисбий хатолик.

Кириш. Маълумки, Ўрта Осиё ҳудудида асосий сув ресурслари тоғ дарёлари оқими ҳисобланиб, улар минтақа бўйлаб нотекис тақсимланган. Тоғ дарёлари ҳавзанинг юқори қисмида шаклланган қор ва музликлар ҳисобига тўйинади ҳамда унинг 80% гача оқими апрель-август ойларига тўғри келади. Вегетация даврида иқтисодиёт тармоқлари(энергетика, қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги)нинг сувга бўлган юқори талабидан келиб чиққан ҳолда, ҳавзада шаклланиши мумкин бўлган дарёлар оқимини прогнозлаш масалалари катта аҳамиятга эга. Ҳавзанинг юқори қисмида шаклланган қор қоплами маълумотларидан дарё оқимини прогнозлашда фойдаланиш имконияти мавжуд.


Тоғ ҳавзаларида қор захираси маълумотларини аниқлаш ёғингарчилик кўрсаткичлари ҳамда қор қопламини ўрганиш маълумотларига мувофиқ амалга оширилади. Тоғларда қор қопламининг нотекис шаклланиши, баландлик ва ёнбағирлар бўйлаб қор захираларининг катта ўзгарувчанлиги туфайли баландлик зоналари учун шаклланган сув захираларини бутун ҳавзага нисбатан ҳисоблашлар юқори аниқликка эга эмас. Бироқ, баланд тоғли ҳудудлар учун бундай маълумотларни олиш бироз мураккаб. Юқори баландликларда жойлашган метеорологик станцияларда сутка давомида қор қалинлиги ўлчаб борилса-да, ушбу маълумотни умумий ҳавза майдони учун қўллаш ҳисоблашларда муайян четлашишларга олиб келади. Дарё ҳавзасида шаклланган қор қоплами ҳақида маълумотлар етарли бўлмаган ҳолларда Ернинг сунъий йўлдоши орқали олинган маълумотлар шаклланидиган оқим микдорини аниқлаш ва ундан самарали фойдаланиш имкониятларини яратади.

Тадқиқот объекти. Писком дарёси ҳавзаси Ғарбий Тяньшаннинг Талас Олатови ҳамда Писком, Майдонтол, Угом тизмалари оралиғида жойлашган. Дарё ўнг томондан Майдонтол тизмасининг шимолий ёнбағрида жойлашган кичик кўлдан бошланадиган Майдонтол ва чап томондан Писком тизмасининг шимоли-ғарбий ёнбағрида Шовурсой номи билан бошланувчи Ойгаинг дарёларининг келиб қўшилишидан ҳосил бўлади [Шульц, Машрапов, 1969]. Писком дарёси ҳавзасининг умумий майдони 2840 км²,

* Масъул муаллиф: dyarashev0896@gmail.com, тел.: +998 93 606-28-96

узунлиги 70 км бўлиб, денгиз сатҳидан баландлиги 760 м дан 4400 м га қадар турли ландшафт зоналарини қамраб олади (1-расм).

Писком дарёсининг Муллала постидаги кўп йиллик ўртача сув сарфи $77,8 \text{ м}^3/\text{с}$ ни ташкил этади. Икки давр бўйича солиштирилганда йиллик ўртача сув сарфи 1961-1990 йилларда $78,5 \text{ м}^3/\text{с}$ ни ташкил этган бўлса, 1991-2020 йилларда бу киймат камайиб, $74,3 \text{ м}^3/\text{с}$ га тенг бўлган. Ўрта ҳисобда йиллик оқимнинг 42-46 фоизи апрель-июнь ойларида, 36-40 фоизи эса июль-сентябрь ойларига тўғри келади. Писком Чирчик дарёсининг энг йирик иккинчи ирмоғи бўлиб, Чорвоқ сув омборига ўз сувларини келтириб қуяди. Ҳозирда дарёнинг қуйи қисмида ҳажми 511 млн. м^3 бўлган сув омбори ва қуввати 400 МВт га тенг бўлган ГЭС қурилиши бошланган.



1-расм. Писком дарёси ҳавзасининг географик жойлашиши

Рис. 1. Географическое положение бассейна реки Пскем

Fig. 1. Geographical location of Pskem River basin

Бирламчи маълумотлар. Ҳозирда сунъий йўлдошлар орқали олиб бориладиган катта масштабдаги мониторинг таркибида қор қоплами бўйича ҳам кузатувлар мавжуд. Қор сиртининг юқори альбедаго эгалиги сабабли унинг тасвири бошқа сиртларга нисбатан юқори аниқликка эга.

Ернинг TERRA ва AQUA сунъий йўлдошларига ўрнатилган MODIS (Moderate Resolution Imaging Spectroradiometer) спектрорадиометри сутка давомида 2 марта тасвир олади [Riggs, Hall, 2011]. Тасвир 500×500 м аниқликда жойнинг қор билан қопланганлиги ҳақида маълумот беради [Gafurov, Bardossy, 2009; Gafurov et al., 2015]. MODIS маълумотлари тадқиқотчилар томонидан дунёнинг турли ҳудудлари учун синовдан ўтказилган ва ижобий натижа берган. Тасвир маълумотларини тўғридан-тўғри қўллашнинг асосий камчилиги булут билан қопланганлик ҳолати ҳисобланади. Бироқ, MODSNOW-Tools дастури орқали бу муаммони ҳал этиш мумкин. Дастур автоматик тарзда 8 босқичда булут қопламини тасвирдан олиб ташлайди ва ер сиртида қор қоплами мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида маълумот беради [Gafurov et al., 2016]. Булут

қоплами олинган MODSNOW қор қоплами хариталарининг аниқлиги Марказий Осиёнинг Қорадарё хавзасида ўрганилган ва ўртача 94% аниқликка эришилган [Калашникова, Гафуров, 2017].

Тадқиқот усуллари. Қор қоплами ҳақидаги маълумотлар Ўрта Осиё дарёларининг сувлилигини прогноз қилиш учун ҳам қўлланилади ҳамда ҳудудда мавсумий қор қоплами захиралари дарёлар оқимини шаклланишида ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Дарё оқимини прогноз қилиш учун сунъий йўлдош маълумотлари асосида қор қоплами маълумотларидан биринчи марта фойдаланиш имконияти 1977 йилда А.Ранго томонидан исботланган [Rango et al., 1977]. MODIS тасвирлари қор қоплами маълумотларидан гидрологик прогнозларда фойдаланиш бўйича тадқиқотлар Ўрта Осиё ҳудудидаги бир нечта йирик ва ўртача дарё хавзаларида ўтказилган. Жумладан, Н.Апел, А.Гафуров, О.Калашникова ва яна бир қанча мутахассислар томонидан бажарилган бўлиб, ижобий натижаларга эришилган.

MODIS тасвирларини асосида ҳавзадаги қор қопламининг майдонини ҳисоблайдиган алгоритмлар ҳамда ундаги булут қоплами тасвирларини олиб ташловчи MODSNOW-Tools дастури яратилиши ҳавзада исталган давр учун қор қоплами динамикасининг ўзгаришини ўрганиш имкониятини яратди. Натижада қор қоплами бўйича олинган маълумотлардан турли илмий-амалий мақсадларда фойдаланиш имконияти пайдо бўлди.

Қайта ишланган қор қоплами харитасида ҳавза майдони турли баландлик зоналарига ажратилади ва ҳар бир баландлик зонаси учун қор қоплами майдони – SCA (Snow Cover Area) ҳисобланади. Бунда SCA муайян баландлик зонада қор билан қопланган майдоннинг умумий майдонга нисбатини улуш ҳисобида ифодаловчи параметр ҳисобланади (2-расм). Қор қопламининг давомийлиги ва унинг ўзгариши билан дарё оқими ўртасида боғланишлар мавжуд [Eric et al., 2016]. Бу ўз навбатида SCAнинг ўзгариши орқали ифодаланадиган қор қоплами индекси – SCI (Snow Cover Index) параметрини дарё оқимини прогнозлашда қўллаш мумкинлигини кўрсатади ва у қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$SCI = \sum_{n=1}^{n=365/366} SCA_t \quad (1)$$


бу ерда: SCI – қор қоплами индекси (Snow Cover Index), прогноз тузиладиган муддатгача бўлган давр давомийлиги; SCA – қор қоплами майдони (Snow Cover Area), ҳавзанинг ҳар кунлик фоиз миқдорида қор билан қопланган қисми; n – кунлар сони [Калашникова, Гафуров, 2017].

Вегетация даври бошланиши билан ҳавзада ҳарорат кўтарилиб, қор қоплами аста секин эрий бошлайди ва дарё оқимини шакллантириб, дарёда тўлин сув даври бошланади. Писком дарёси хавзасида 2001-2021 йиллар оралиғида кузатилган кўп сувли (2002 йил) ва кам сувли (2021 йил) йилларда MODIS тасвирлари бўйича қор қоплами динамикасининг йиллик оқим шаклланишига таъсири ўрганилди.

Кўп сувли 2002 йилда ҳавзада қор қоплами давомийлиги узокроқ давом этган ва оқим миқдори ҳам катта бўлган. Кам сувли 2021 йилда эса, аксинча, қор қоплами давомийлиги қисқа ҳамда тўлин сув даври эрта ва кам миқдорда кузатилган (3-расм).

Ўрта Осиёда гидрологик йилнинг бошланиши сифатида 1 октябрь санаси қабул қилинган бўлиб, шу даврдан бошлаб дарё хавзасида намлик тўплана бошлайди, яъни қор қоплами шаклланиши бошланади. Ҳавзасининг юқори қисми 4000 м дан баланд бўлган дарёларда бу бироз эртароқ бошланиши мумкин. Дарё оқимини прогнозлашда унинг аниқлик даражаси юқори бўлиши учун кўп ҳадли регрессия тенгламаларидан


фойдаланилади [Георгиевский, Шаночкин, 1987]. Мазкур прогнозлаш тенгламаларини тузиш учун вегетация давридаги ўртача ойлик сув сарфлари ва SCI, SCA ўртасидаги жуфт корреляция коэффициентлари эмпирик ифодалар ёрдамида аниқланган [Ниязов и др., 2020]. Прогнозлаш тенгласини тузиш ва самарадорлигини баҳолашда кузатишган сув сарфи маълумотларидан ҳам фойдаланилди.



2-расм. Писком дарёси ҳавзасида қор қоплами майдонининг баландлик зоналари бўйича ўзгариши (2001-2021 йй.)

Рис. 2. Изменение площади снежного покрова бассейна реки Пскем по высотным зонам (2001-2021 гг.)

Fig. 2. Dynamic of snow cover area of Pskem River basin by elevation zones (2001-2021)



3-расм. Писком дарёси ҳавзасида кўп сувли (2002 й.) ва кам сувли (2021 й.) гидрологик йилларда ойлик сув сарфлари ва қор қоплами тақсимланиши

Рис. 3. Среднемесячный расход воды и динамика площади снежного покрова в многоводном (2002 г.) и маловодном (2021 г.) годах в бассейна реки Пскем

Fig. 3. Average monthly water discharge and dynamic of snow cover area in Pskem River basin on high water (2002) and low water (2021) years

Прогнозлаш регрессия тенгламаларини тузишда SCI қийматлари дарё хавзаси 500 метрлик баландлик зоналарга ажратилди ва бу қийматлар билан ўртача ойлик сув сарфлари ўртасидаги жуфт корреляция коэффициентлари аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

**SCI ва Писком дарёси ойлик ўртача сув сарфлари ўртасидаги
жуфт корреляция коэффициентлари**

Таблица 1

**Коэффициенты парной корреляции между SCI и среднемесячными
расходами воды реки Пскем**

Table 1

**Pairwise correlation coefficients between SCI and mean
monthly water discharges of the Pskem River**

	Баландлик зоналари, м						
	876-1376	1376-1876	1876-2376	2376-2876	2876-3376	3376-3876	3876-4376
$Q_{IV}=f(SCI_{10-3})$	0,169	0,290	0,443	0,565	0,558	0,535	0,556
$Q_V=f(SCI_{10-4})$	0,284	0,386	0,379	0,391	0,322	0,273	0,300
$Q_{VI}=f(SCI_{10-5})$	0,140	0,307	0,509	0,676	0,624	0,490	0,446
$Q_{VII}=f(SCI_{10-6})$	0,002	0,240	0,548	0,768	0,821	0,735	0,672
$Q_{VIII}=f(SCI_{10-7})$	-0,155	0,105	0,431	0,617	0,684	0,658	0,609
$Q_{IX}=f(SCI_{10-8})$	-0,151	0,061	0,307	0,470	0,550	0,558	0,532
$Q_{IV-XI}=f(SCI_{10-3})$	0,081	0,243	0,402	0,547	0,561	0,524	0,527
$Q_{V-XI}=f(SCI_{10-4})$	0,057	0,277	0,491	0,600	0,566	0,511	0,508

Прогнозлаш тенгламаларни тузиш учун вегетация даври ўртача ойлик сув сарфлари ва SCA ўртасидаги жуфт корреляция коэффициентлари ҳам аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

**SCA ва Писком дарёси ойлик ўртача сув сарфлари ўртасидаги жуфт корреляция
коэффициентлари**

Таблица 2

**Коэффициенты парной корреляции между SCA и среднемесячными
расходами воды реки Пскем**

Table 2

**Pairwise correlation coefficients between SCA and average monthly water
discharges of the Pskem River**

	Баландлик зоналари, м						
	876-1376	1376-1876	1876-2376	2376-2876	2876-3376	3376-3876	3876-4376
$Q_{IV}=f(SCA_3)$	0,095	0,102	0,277	0,204	0,105	0,099	0,100
$Q_V=f(SCA_4)$	0,246	0,379	0,379	0,360	0,355	0,242	-0,279
$Q_{VI}=f(SCA_5)$	-0,019	0,064	0,619	0,702	0,633	0,546	0,449
$Q_{VII}=f(SCA_6)$	0,302	0,352	0,655	0,874	0,860	0,754	0,659
$Q_{VIII}=f(SCA_7)$	-0,042	0,238	0,160	0,574	0,741	0,634	0,556
$Q_{IX}=f(SCA_8)$	0,495	0,432	0,451	0,304	-0,025	0,289	0,190
$Q_{IV-XI}=f(SCA_3)$	0,126	0,178	0,332	0,231	0,095	0,086	0,088
$Q_{V-XI}=f(SCA_4)$	0,127	0,298	0,415	0,471	0,471	0,346	-0,026

Прогнозлаш регрессия тенгламаларини тузишда дарё оқими прогноз қилинаётган аввалги ойлардаги ўртача сув сарфи маълумотларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Шу мақсадда ойлик ўртача сув сарфлари орасидаги жуфт корреляция коэффициентлари ҳам аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал

**Писком дарёси ойлик ўртача сув сарфлари ўртасидаги жуфт корреляция
коэффициентлари**

Таблица 3

**Коэффициенты парной корреляции между среднемесячными
расходами воды реки Пскем**

Table 3

**Pairwise correlation coefficients between mean monthly water discharges
of the Pskem River**

	Q _{II}	Q _{III}	Q _{IV}	Q _V	Q _{VI}	Q _{VII}	Q _{VIII}	Q _{IX}	Q _{IV-IX}	Q _{V-IX}
Q _{II}		0,618	0,413	0,530	0,393	0,359	0,447	0,438	0,495	0,477
Q _{III}	0,618		0,581	0,495	0,418	0,261	0,182	0,239	0,438	0,388
Q _{IV}	0,413	0,581		0,586	0,483	0,475	0,347	0,411	0,638	0,542
Q _V	0,530	0,495	0,586		0,706	0,529	0,444	0,548	0,772	0,752
Q _{VI}	0,393	0,418	0,483	0,706		0,807	0,666	0,662	0,924	0,934
Q _{VII}	0,359	0,261	0,475	0,529	0,807		0,843	0,775	0,918	0,929
Q _{VIII}	0,447	0,182	0,347	0,444	0,666	0,843		0,840	0,816	0,837
Q _{IX}	0,438	0,239	0,411	0,548	0,662	0,775	0,840		0,810	0,821
Q _{IV-IX}	0,495	0,438	0,638	0,772	0,924	0,918	0,816	0,810		0,993
Q _{V-IX}	0,477	0,388	0,542	0,752	0,934	0,929	0,837	0,821	0,993	

Юқоридаги эмпирик формулалар ёрдамида қор қопламнинг дарё оқимиға боғлиқлиги текширилди ва жуфт корреляция коэффициентларининг юқори қийматлари танлаб олинди, улар асосида прогнозлаш регрессия тенгласининг умумий ифодасини ҳосил қилиш мумкин [Eric et al., 2016]:

$$Q_n = a * SCI_{(n-1)(H_1-H_2)} + b * Q_{(n-1)} + c * SCA_{(n-1)} + d \quad (2)$$

бу ерда: $SCI_{(n-1)(H_1-H_2)}$ - прогноз қилинадиган ойгача бўлган муддат учун қор қоплами индекси; $(H_1 - H_2)$ – баландлик зонаси, м; $Q_{(n-1)}$ – прогноз қилинаётган ойдан олдинги ўртача ойлик сув сарфи; $SCA_{(n-1)}$ – оқими прогноз қилинаётган олдинги ойнинг қор қоплами майдони ўртача қиймати [Гафуров А. ва бошқ., 2020; Ниязов Дж. и др., 2020].

Шу билан бирга, регрессия тенгламаларида ойлик ўртача сув сарфлари орасидаги жуфт корреляция коэффициентларидан келиб чиққан ҳолда ойлик ўртача сув сарфлари айнан олдинги ойнинг ўртача сув сарфи эмас, балки бир неча ой олдинги ўртача ойлик сув сарфларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Кўп ҳолларда қишлоқ хўжалиги ва гидроэнергетика каби сув истеъмолчиларини узоқ муддатли дарё оқими прогнозлари қизиқтиради. Вегетация давридаги дарё оқимини узоқ муддатли прогнозлаш гидрологик прогнозларнинг мураккаб масалаларидан бири ҳисобланади. Тадқиқот ишида 1-3-жадваллар маълумотлари асосида юқори жуфт корреляция коэффициентларидан фойдаланган ҳолда прогнозлаш регрессия тенгламалари тузилди. MODISнинг март ойи охиридаги қор қоплами маълумотлари асосида вегетация давридаги ҳар бир ой ва умумий даврдаги ўртача сув сарфи орасида ҳам корреляцион боғланишлар мавжудлиги аниқланди

ва бу маълумотлардан фойдаланган ҳолда вегетация давридаги ҳар бир ой ва умумий давр учун прогнозлаш тенгламалари тузилди.

Гидрологик прогнозларнинг энг асосий жиҳати – уларни ўзини оқлаш даражаси ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида прогнозлашда қўлланилган усулларни самарадорлигига боғлиқдир [Вайновский, Густоев, 2019]. Прогнозлаш усулининг самарадорлигини баҳолашда бир қанча усуллардан фойдаланиш мумкин. Прогнозлар самарадорлигини баҳолашда қуйидаги статистик кўрсаткичлардан фойдаланилди:

- 1) жуфт корреляция коэффиценти;
- 2) самарадорлик мезони (абсолют хатоликларнинг ўртача квадратик хатолиги – S/σ);
- 3) нисбий хатолик – E , %;
- 4) Неш-Сатклифф мезони – NSE (Nush Sutcliff effeciency).

1. Жуфт корреляция коэффиценти икки ўзгарувчи ўртасидаги тўғри чизиқли боғланишни акс эттиради. Биз кузатилган ва прогноз қилинган сув сарфлари орасидаги тўғри чизиқли боғланишни ҳам аниқладик. Бу ҳам ўз навбатида тузилган прогнозларнинг ҳақиқий қийматларга қанчалик яқин эканлигини ифодалай олади:

$$R = \frac{\sum_{i=1}^n [(Q_i - \bar{Q}) \cdot (Q_i^P - \bar{Q}^P)]}{\sqrt{\sum_{i=1}^n (Q_i - \bar{Q})^2 \cdot \sum_{i=1}^n (Q_i^P - \bar{Q}^P)^2}} \quad (3)$$

бу ерда: Q_i – кузатилган сув сарфи; Q_i^P – прогноз қилинган сув сарфи; \bar{Q} – кузатилган сув сарфларининг ўртача арифметик қиймати; \bar{Q}^P – прогноз қилинган сув сарфларининг ўртача арифметик қиймати [Biondi et al., 2012]. Жуфт корреляция коэффиценти қийматлари 0 ва 1 оралиғида ўзгаради ва қуйидаги мезон бўйича баҳоланади (4-жадвал).

4-жадвал

Жуфт корреляция коэффиценти баҳолаш мезонлари

Таблица 4

Показатели критерия эффективности

Table 4

Criteria of pairwise correlation coefficients

Жуда юқори	Юқори	Ўртача	Кучсиз	Жуда кучсиз
1>P>0,9	0,9>P>0,7	0,7>P>0,5	0,5>P>0,3	0,3>P>0

2. Гидрологик прогнозлаш усули ёки услубининг самаралилиги мезони – S/σ қуйидагича аниқланади.

Гидрологик прогнозлар абсолют хатоликларининг ўртача квадратли фарқи

$$S = \sqrt{\frac{\sum(Q - Q^P)^2}{n}} \quad (4)$$

бу ерда: Q – кузатилган гидрологик катталиқ; Q^P – башорат қилинган гидрологик катталиқ. Прогноз қилинаётган гидрологик катталиқнинг амалда кузатилган миқдорларининг ўртача квадратли фарқи ҳисобланади:

$$\sigma = \sqrt{\frac{\sum(Q - \bar{Q})^2}{n}} \quad (5)$$

ифодада Q – прогноз қилинаётган катталикнинг кузатилган қийматлари; \bar{Q} – кузатилган қийматлардан ташкил топган қаторнинг ўртача арифметик қиймати [Георгиевский, Шаночкин, 1987].

Шу нисбатнинг қийматига боғлиқ ҳолда гидрологик прогнозлаш усули қуйидаги сифат кўрсаткичлари прогноз қилинадиган қаторлар сонига боғлиқ ҳолда қуйидагича баҳоланади (5-жадвал).

3. Нисбий хатолик мезони прогноз қилинган катталикнинг кузатилган катталикдан фарқини фоиз нисбатда четлашишини ифодалайди ва қуйидаги ифода ёрдамида ҳисобланади:

$$E = \frac{Q^P - Q}{Q} \times 100\% \quad (6)$$

бу ерда: Q – кузатилган сув сарфи қиймати; Q^P – прогноз қилинган сув сарфи қиймати [Георгиевский, Шаночкин, 1987].

5-жадвал

Самаралилик мезони кўрсаткичлари

Таблица 5

Показатели критерия эффективности

Table 5

Indicators of efficiency criteria

Қаторлар сони	Яхши	Қониқарли	Қониқарсиз
$n \leq 15$	$S/\sigma \leq 0,40$	$0,40 < S/\sigma \leq 0,70$	$S/\sigma \geq 0,70$
$15 < n < 25$	$S/\sigma \leq 0,45$	$0,45 < S/\sigma \leq 0,75$	$S/\sigma \geq 0,75$
$n \geq 25$	$S/\sigma \leq 0,50$	$0,50 < S/\sigma \leq 0,80$	$S/\sigma \geq 0,80$

4. Неш-Сатклифф мезони (Nash-Sutcliffe efficiency) хорижда гидрологик ҳисоблашлар ва моделлаштиришда кенг фойдаланиладиган мезон ҳисобланади. Мазкур кўрсаткич прогноз қилинган ва кузатилган қийматларни таққослаш тамойилига асосланган бўлиб, у қуйидаги ифода ёрдамида ҳисобланади [Biondi et al., 2012; Nahat, 2015].

$$NSE = 1 - \frac{\sum (Q^P - Q)^2}{\sum (Q - \bar{Q})^2} \quad (7)$$

бу ерда: Q – кузатилган сув сарфи қиймати; Q^P – прогноз қилинган сув сарфи қиймати; \bar{Q} – кузатилган сув сарфи қийматларининг ўртача арифметик қиймати [Nahat, 2015]. Унинг қийматлари -1 ва 1 оралиқда ўзгаради ва қуйидагича баҳоланади (6-жадвал).

Гидрологик прогнозлар бўйича қўлланмага асосан гидрологик прогнозларнинг тўғри чиққанлиги ҳақидаги хулоса прогнознинг абсолют хатолиги (δ) билан йўл қўйилиши мумкин бўлган хатолик (δ_M)ни солиштириш орқали амалга оширилади. Агар $\delta \leq \delta_M$ шarti бажарилса, берилган прогноз тўғри чиққан, акс ҳолда, яъни $\delta > \delta_M$ бўлганда эса нотўғри ҳисобланади. Гидрологик прогнознинг йўл қўйилиши мумкин бўлган хатолиги (δ_M) эса қуйидагича аниқланади: $\delta_M = 0,674\sigma$.

6-жадвал

Неш-Сатклифф мезони бўйича баҳолаш кўрсаткичлари

Таблица 6

Параметры оценки по критерию Неша-Сатклиффа

Table 6

Evaluation parameters according to the Nash-Sutcliffe criterion

Жуда яхши	Яхши	Қониқарли	Қониқарсиз
$0,75 < NSE \leq 1,00$	$0,65 < NSE \leq 0,75$	$0,50 < NSE \leq 0,65$	$NSE \leq 0,50$
$-0,75 \geq NSE \geq -1,00$	$-0,65 \geq NSE \geq -0,75$	$-0,50 \geq NSE \geq -0,65$	$NSE \geq -0,50$

Прогнозларнинг ўзини оқлаш даражаси – P ни ҳисоблашда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликкача бўлган четлашишлар ҳисобланган прогнозларни ўзини оқлаган, деб қабул қилинади:

$$P = \frac{m}{n} \cdot 100\% \quad (8)$$

бу ерда: m – тўғри чиққан прогнозлар сони; n – умумий прогнозлар сони [Георгиевский, Шаночкин, 1987]. Прогнозларнинг ўзини оқлаши фоизларда ифодаланиб, прогнозларнинг муддатига боғлиқ ҳолда қуйидагича баҳоланади (7-жадвал).

7-жадвал

Прогнозларнинг ўзини оқлаш даражасига кўра баҳолаш кўрсаткичлари

Таблица 7

Параметры оценки прогнозов по оправдываемости

Table 7

Evaluation parameters according to forecast success rate

	Қисқа муддатли прогнозлар	Узоқ муддатли прогнозлар
Аъло	$R > 90$	$R > 90$
Яхши	$87 < R < 93$	$84 < R < 90$
Қониқарли	$80 < R < 87$	$75 < R < 84$
Қониқарсиз	$R < 80$	$R < 75$

MODSNOW маълумотлари асосида ҳисобланган қор қоплами индекси бўйича прогнозлаш усулидан фойдаланиб 2001-2021 йиллар даври бўйича узоқ муддатли прогнозлар яъни, бутун вегетация даври ва ундаги ҳар бир ой учун прогнозлар тузилди. Прогнозлаш дастлаб вегетация даври бошланишидан олдинги (март ойи охиридаги) маълумотларга асосланган ҳолда бажарилди, прогнозлар кузатилган ҳақиқий қийматлар билан таққосланиб прогнозлаш усулининг самаралилиги юқоридаги мезонлар асосида аниқланди (8-жадвал).

Шунингдек, прогнозлаш ҳар ойдаги янгиланган маълумотларга асосланган ҳолда ҳам бажарилди ва прогнозлар кузатилган ҳақиқий қийматлар билан таққосланиб, прогнозлаш усулининг самаралилиги юқоридаги мезонлар асосида аниқланди (9-жадвал).

Хулоса.

1. Писком дарёси ойлик ўртача сув сарфлари бўйича тузилган прогнозлаш регрессия тенгламалари самарадорлиги май, июнь, июль ойлари учун юқори бўлди ва

прогноزلарнинг ўзини оқлаши 62-95% ни ташкил этган бўлса, фақат март ойи охиридаги маълумотлардан фойдаланиб бажарилган прогноزلарда ўзини оқлаш даражаси 62-90% ни ташкил этди.

8-жадвал

MODSNOW маълумотлари асосида ҳисобланган қор қоплами индекси бўйича тузилган прогноزلар самарадорлиги (март ойи охиридаги қор қоплами маълумотлари бўйича)

Таблица 8

Эффективность прогнозов на основе индекса снежного покрова, рассчитанного по данным MODSNOW (по данным о снежном покрове на конец марта)

Table 8

The effectiveness of forecasts based on the snow cover index calculated by MODSNOW data (according to snow cover data at the end of March)

Ойлик прогноزلар	Мезонлар				P,%
	R	S/σ	NSE	E, %	
$Q_{IV}=1,556SCI_{10-3(2376-2876)}+0,717Q_3+1,203SCA_{3(2376-2876)}+195,3$	0,72	0,69	0,52	16,1	61,9
$Q_V=0,624SCI_{10-3(2376-2876)}+3,052Q_2+0,825SCA_{3(1876-2376)}-60,4$	0,74	0,67	0,55	11,9	71,4
$Q_{VI}=2,289SCI_{10-3(2376-2876)}+2,268Q_3+2,398SCA_{3(1876-2376)}-319,1$	0,82	0,58	0,67	8,6	90,5
$Q_{VII}=2,863SCI_{10-3(2876-3376)}+1,714Q_3+3,089SCA_{3(1876-2376)}-452,3$	0,74	0,67	0,55	13,9	76,2
$Q_{VIII}=1,39SCI_{10-3(2876-3376)}+0,517Q_3+1,287SCA_{3(1876-2376)}-169,8$	0,63	0,78	0,40	14,8	61,9
$Q_{IX}=0,332SCI_{10-3(3376-3876)}+1,029Q_3+0,375SCA_{3(1876-2376)}-32,8$	0,60	0,80	0,37	13,5	66,7

Изоҳ: R-жуфт корреляция коэффициентини, S/σ-самарадорлик мезони, NSE-Неш Сатклифф мезони, E-нисбий хатолик, P-оқланиши, %

9-жадвал

MODSNOW маълумотлари асосида ҳисобланган қор қоплами индекси бўйича тузилган прогноزلар самарадорлиги

Таблица 9

Эффективность прогнозов на основе индекса снежного покрова, рассчитанного по данным MODSNOW

Table 9

The effectiveness of forecasts based on the snow cover index calculated by MODSNOW data

Ойлик прогноزلар	Мезонлар				P,%
	R	S/σ	NSE	E, %	
$Q_{IV}=1,556SCI_{10-3(2376-2876)}+0,717Q_3+1,203SCA_{3(2376-2876)}+195,3$	0,72	0,69	0,52	16,1	61,9
$Q_V=0,526SCI_{10-4(2376-2876)}+3,136Q_2+0,573SCA_{4(2376-2876)}+14,8$	0,79	0,61	0,62	8,2	66,7
$Q_{VI}=0,078SCI_{10-5(2376-2876)}+1,138Q_5+1,05SCA_{4(2376-2876)}+53,7$	0,87	0,50	0,75	8,9	81,0
$Q_{VII}=1,295SCI_{10-6(2876-3376)}+0,827Q_6+5,714SCA_{4(2876-3376)}-49,1$	0,96	0,27	0,93	6,6	95,2
$Q_{VIII}=0,705SCI_{10-7(2876-3376)}+0,324Q_7+2,41SCA_{3(2876-3376)}+3,2$	0,83	0,56	0,68	11,6	76,2
$Q_{IX}=0,156SCI_{10-8(3376-3876)}+0,165Q_8+49,032SCA_{3(3376-3876)}+6,3$	0,84	0,54	0,71	9,8	81,0
Вегетация даври учун прогноз (март ойи охиридаги маълумотлар бўйича)					
$Q_{IV-IX}=1,533SCI_{10-3(2376-2876)}+1,094Q_3+1,657SCA_{3(1876-2376)}-212,6$	0,80	0,60	0,64	8,9	85,7
Май-сентябрь ойлари учун прогноз (апрель ойи охиридаги маълумотлар бўйича)					
$Q_{V-IX}=1,523SCI_{10-3(2876-3376)}+1,17Q_3+1,748SCA_{3(1876-2376)}-216,1$	0,88	0,48	0,77	7,8	85,7

Изоҳ: R-жуфт корреляция коэффициентини, S/σ-самарадорлик мезони, NSE- Неш Сатклифф мезони, E-нисбий хатолик, P-оқланиши, %

2. Тузилган регрессия тенгламалари асосида 2001-2021 йиллар учун прогнозлар тайёрланди ва прогнозларнинг самаралилиги турли мезонлар ёрдамида баҳоланди, прогнозларнинг ўзини оқлаш даражаси аниқланди.

3. Писком дарёсининг тўйинишида қор қопламанинг ҳиссаси катта бўлганлиги сабабли юқоридаги прогнозлаш тенгламаларидан илмий ва амалий мақсадларда, хусусан, дарё оқимини прогнозлашда фойдаланиш мумкин.

4. Дарё оқими бошқарувини оптималлаштиришда хусусан, дарёда барпо этилаётган сув омбори ва ГЭС фаолиятини самарали ташкил этишда, экстремал сувли йилларда зарур чора тадбирларни кўриш каби масалаларда прогнозларнинг аҳамияти жуда юқори.

Муаллифлар ҳиссаси. **Д.Ў. Ярашев:** методология, мақола матнини ёзиш, графикларни яратиш, мақолани расмийлаштириш. **А.А. Гафуров:** мақола ғояси, методология, раҳбарлик қилиш. **А.А. Гафуров:** маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, масофавий зондлаш маълумотлари устида ишлаш. **Ғ.Ў. Умирзақов:** маълумотлар йиғиш, қайта ишлаш, графикларни яратиш. Барча муаллифлар қўлёзманинг нашрга тайёрланган шаклини ўқиб чиқдилар ва ўз розилиklarини билдирдилар.

АДАБИЁТЛАР

Вайновский П.А., Густоев Д.В. Учебный практикум «Статистическое прогнозирование гидрометеорологических временных рядов», сост. РГМУ – СПб., 2019. – 240 с.

Гафуров А.А., Ахмедова Т.А., Турғунов Д.М., Гафуров А.А. Қор қоплами динамикасини масофадан зондлаш орқали дарё оқимини прогнозлаш масалалари (Яккабоғдарё мисолида) // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 58-жилд. 2020. – Б. 220-225.

Георгиевский Ю.М., Шаночкин С.В. Прогнозы стока горных рек. Текст лекций. – Л.: Изд. ЛПИ, 1987. – 55 с.

Калашикова О.Ю., Гафуров А.А. Использование наземных и спутниковых данных о снежном покрове для прогноза стока реки Нарын // Лёд и Снег, 2017. № 4. – С. 507-517.

Калашикова О.Ю., Гафуров А.А., Оморова Э.А. Прогноз водности реки Нарын на месяцы вегетации на основе снимков MODIS // Наука, новые технологии и инновации Кыргызстана, № 3, 2020. DOI:10.26104/NNTIK.2019.45.557

Ниязов Дж. Б., Калашикова О. Ю., Гафуров А. А. Методика прогноза водности высокогорных рек Центральной Азии на основе снимков MODIS // Центральноазиатский журнал исследований воды. 2020 – № 6(2). – С. 26-37.

Шулц В.Л., Мауранов Р. Ўрта Осиё гидрографияси. – Тошкент: Ўқитувчи. 1969. – 327 б.

Biondi D., Gabriele F., Iacobellis V., Mascaro G., Montanari A. Validation of hydrological models: Conceptual basis, methodological approaches and a proposal for a code of practice // Physics and Chemistry of the Earth, 2012. – PP. 70-76.

Eric A.S., Kerr T., Nelson C.O., Aspe D.L. Developing a Snowmelt Forecast Model in the Absence of Field Data // Water Resources Management. 2016. doi 10.1007/s11269-016-1271-4

Gafurov A., Bardossy A. Snow cover data derived from MODIS for water balance applications // Hydrology and Earth System Sciences Discussions. 2009(6). – PP. 791–841.

Gafurov A., Kalashnikova O., Apel H. Hydrological forecast based on the snow cover index, derived from basin-wide and elevation specific remote sensing snow cover data in mountainous basins // Geophysical Research Abstracts. EGU General Assembly Vol. 21, 2019. – EGU2019-12817.

Gafurov A., Ludtke S., Unger-Shayesteh K., Vorogushyn S., Schone T., Schmidt S., Kalashnikova O., Merz B. MODSNOW-Tool: an operational tool for daily snow cover monitoring using MODIS data // Environmental Earth Science 2016 (75):1078 doi 10.1007/s12665-016-5869-x

Nahat A. Hydrological forecasting in catchments with glaciers. Norwegian University of Science and Technology. Master thesis. 2015. – 254 p.

Rango A., Salomonson V., Foster J. Seasonal streamflow estimation in the Hymalayan region employing meteorological satellite snow cover observations. // Water Resources Research. 1977. Vol. 13. N. 1. – PP. 109–112.

Riggs G., Hall D. MODIS Snow Cover Algorithms and Products – Improvements for Collection 6. 68th Eastern Snow Conference McGill University, Montreal, Quebec, Canada 2011. – PP. 163–171.

ПРОГНОЗ СТОКА РЕКИ ПСКЕМ НА ВЕГЕТАЦИОННЫЙ ПЕРИОД НА ОСНОВЕ МОНИТОРИНГА СНЕЖНОГО ПОКРОВА

Д.У. ЯРАШЕВ¹, А.А. ГАФУРОВ², А.А. ГАФУРОВ³, Г.У. УМИРЗАКОВ^{1,4}

¹ Научно-исследовательский гидрометеорологический институт, dyarashev0896@gmail.com

² Немецкий Исследовательский Центр наук о Земле, Потсдам, gafurov@gfz-potsdam.de

³ Центр гидрометеорологической службы Республики Узбекистан, akmal.a.gafurov@gmail.com

⁴ Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека, g.umirzakov@gmail.com

Аннотация. В статье изучены возможности долгосрочного прогнозирования стока горных рек за вегетационный период по данным динамики снежного покрова MODIS на примере реки Пскем. В работе разработаны уравнения регрессии прогнозирования на основе значений индекса снежного покрова, рассчитанных по данным дистанционного зондирования MODIS, и прогнозирован сток реки Пскем за вегетационный период. Оценена степень оправдываемости и эффективности прогнозов по различным принятым критериям.

Ключевые слова: речной сток, прогноз стока, вегетационный период, дистанционное зондирование, снежный покров, индекс снежного покрова, MODIS, уравнение регрессии, эффективность прогноза, NSE, относительная ошибка.

FORECASTING RUNOFF OF PSKEM RIVER FOR VEGETATION PERIOD BASED ON SNOW COVER MONITORING

D.U. YARASHEV¹, A.A. GAFUROV², A.A. GAFUROV³, G.U. UMIRZAKOV^{1,4}

¹ Hydrometeorological Research Institute, dyarashev0896@gmail.com

² GFZ German Research Centre for Geosciences (GFZ Potsdam), gafurov@gfz-potsdam.de

³ Center of Hydrometeorological Service of the Republic of Uzbekistan, akmal.a.gafurov@gmail.com

⁴ National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek, g.umirzakov@gmail.com

Abstract. The article studies possibilities of long-term forecasting of mountain river runoff for vegetation period by using MODIS snow cover dynamics as an example Pskem River. In this work, forecasting regression equations were developed based on snow cover index estimated by MODIS remote sensing data, and the runoff of the Pskem River for vegetation period was predicted. Forecast performance and efficiency was evaluated according to various accepted criteria.

Keywords: river runoff, runoff forecast, vegetation period, remote sensing, snow cover, snow cover index, MODIS, regression equation, performance criterion, NSE, relative error.

REFERENCES

Gafurov A.A., Axmedova T.A., Turg'unov D.M., Gafurov A.A. Qor qoplami dinamikasini masofadan zondlash orqali daryo oqimini prognozlash masalalari (Yakkabog'daryo misolida) [Special issues on river runoff prediction and dynamics of the snow cover using remote sensing data (case study of Yakkabagdarya river)] // O'zbekiston Geografiya jamiyati axboroti, 58-jild, 2020, № 1. – B. 220-225. (in Uzbek)

Georgievskiy Yu.M., Shanochkin S.V.- Prognozy stoka gornyx rek [Forecast runoff mountain rivers]. – L.: Izd. LPI, 1987. – 55 s. (in Russian)

Kalashnikova O.Yu., Gafurov A.A. Ispolzovanie nazemnyx i sputnikovyx dannyx o snejnom pokrove dlya prognoza stoka reki Naryn [Water availability forecasting for Naryn River using ground-based and satellite snow cover data] // Lyod i Sneg, 2017. – S. 507-517. (in Russian)

Kalashnikova O.Yu., Gafurov A.A., Omorova E.A. Prognoz vodnosti reki Naryn na mesyasy vegetatsii na osnove snimkov MODIS [MODIS snow cover for the forecasting water availability on the high water season of the Naryn river] // Nauka, novye tekhnologii i innovatsii Kyrgyzstana 2020 № 3. – S. 14-18. (in Russian)

Shuls V.L., Mashrapov R. O'rta Osiyo gidrografiya [Hydrography of Central Asia]. – Toshkent: O'qituvchi, 1969. – 327 b. (in Uzbek)

Vaynovskiy P.A., Gustoev D.V. Statisticheskoe prognozirovanie gidrometeorologicheskix vremennyx ryadov. Uchebnyy praktikum [Statistical forecasting of hydrometeorological time series. Practicals], RGGMU – SPb., 2019. – 240 s. (in Russian)

УДК: 551.578

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИНИНГ ОҲАНГАРОН ДАРЁСИ ҲАВЗАСИДАГИ ҚОР ҚОПЛАМИ ДИНАМИКАСИГА ТАЪСИРИ

Б.Э. НИШОНОВ¹, Ж.К. МАХМУДОВ^{1*}, А.Ж. МАМАРАИМОВ¹

¹ Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти, jahongirmahmud@mail.ru

Аннотация: Мақолада Оҳангарон дарё ҳавзасининг тоғли қисмида метеорологик кўрсаткичлар ва қор қоплами ўзгаришлари динамикаси таҳлил қилинган. Ҳавзадаги Дуқант метеорология станцияси ва Қамчиқ қор кўчки станцияларининг 1991-2020 йиллардаги маълумотлари таҳлили натижасида ўртача йиллик ҳаво ҳароратининг кўтарилаётганлиги ва ёгинлар миқдорининг камаётганлиги аниқланган. Ҳавзанинг тоғли қисмида қор қопламли кунларнинг камайиб бораётганлиги кузатишмоқда. MODIS сунъий йўлдоши маълумотларини MODSNOW-Tool дастурида қайта ишлаш асосида 2000-2020 йилларда 31 март ҳолатига қор қоплами майдонининг ўзгаришлари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: қор қоплами, ҳаво ҳарорати, ёгинлар миқдори, иқлим ўзгариши, MODIS, MODSNOW, Оҳангарон дарёси, дарё ҳавзаси.

Кириш. Дунёда дарёлар сув оқимининг ҳосил бўлишида мавсумий қор қопламининг аҳамияти катта. Замонавий иқлим ўзгариши шароитида сўнгги ўн йилликда бутун Евросиё бўйлаб қор қопламининг майдонлари ва қор билан қопланганлик даврининг давомийлиги сезиларли даражада қисқармоқда [Второй..., 2014]. Шу сабабли, дунёда қор қоплами динамикасини ўрганиш, қор қоплами майдонини ҳисоблаш усулларини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, чет эллик А.В.Погорелов (2001), W.Immerzeel et al. (2010), J.Adam et al. (2009), I.D.Dobreva (2011); A.G.Klein (2011), С.Е.Woodcock (2014), W.W.Immerzeel et al. (2010) ва бошқа тадқиқотчилар томонидан иқлим ўзгариши шароитида қор қоплами динамикасининг ўзгаришларини турли ҳавзалар мисолида ўрганилган.

Маълумки, Ўзбекистон ва унга туташ бўлган тоғли ҳудудларда шаклланадиган дарёларнинг асосий сув манбаи қорларнинг эриши ҳисобланади. Ўрта Осиё тоғ дарё ҳавзалари мисолида қор қоплами динамикаси ўзгаришини тадқиқ этишни такомиллаштириш масалалари ўтган асрнинг 70-90-йилларида Г.Е.Глазырин, Б.К.Царёв, М.И.Геткер, В.Н.Шамсутдинов, Е.Г.Какурина, Ф.И.Перцигер ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган. Сўнгги йилларда Ўрта Осиё минтақасида қор қопламини сунъий йўлдош ёрдамида масофадан зондлашда MODSNOW дастуридан фойдаланишга катта эътибор берилмоқда [Мамагаимов et al., 2022]. Юқорида келтирилган тадқиқотларда Оҳангарон дарё ҳавзасида иқлим ўзгариши шароитида қор қопламининг ўзгариш динамикаси ўрганилмаган.

* Масъул муаллиф: jahongirmahmud@mail.ru, тел.: +998 94 620-86-08

Оҳангарон дарёси Тошкент вилоятининг Оҳангарон, Пискент, Бўка, Қуйи Чирчиқ, Оққўрғон туманларининг саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиги ерлари ҳамда аҳолини сув таъминотида муҳим ҳисобланади [Ҳасанов, Ғуломов, 2007]. Қор қопламининг эриган сувлари Ўрта Осиёнинг қурғоқчил ҳудудларида дарё оқимининг шаклланишининг муҳим таркибий қисми бўлиб, Тяньшан тоғ тизмаларида шаклланган қор жами дарёлар оқимининг 60% ини таъминлайди [Айзен и др., 1995]. Қор қоплами баҳорги тошқинларга, дарёлар гидрологик режимига, тупроқ қопламининг термал хусусиятларига ва намлигига бевосита таъсир кўрсатади [Singh et al., 1997]. Қор қоплами динамикасини ўрганиш сув ресурсларини прогнозлаш, бошқариш ва фойдаланишда муҳим аҳамиятга эга. Дарё ҳавзаларидаги қор захиралари қор қопламининг майдони ва қор баландлигининг турличалиги билан тавсифланади. Ҳароратнинг кўтарилиши тоғли зонадаги қор захираларининг шаклланиши учун шароитларни ёмонлаштиради ва уларнинг камайишига олиб келади. Сўнгги йилларда тоғларда қор қоплами, мавсумий қор чизиқлари юқори баландликларга силжимокда, қор қопламли кунлар сони камаймокда. Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда, иқлим ўзгаришининг қор қоплами динамикасига таъсирини баҳолаш **долзарб** ҳисобланади.

Тадқиқотнинг **мақсади** Ўзбекистонда қор қопламининг динамикасига глобал иқлим ўзгаришининг таъсирини баҳолашдан иборат. Тадқиқот **объекти** сифатида Оҳангарон дарёси ҳавзаси танлаб олинди.


Тадқиқот ишида қуйидаги вазифалар амалга оширилди: 1) рақамли баландлик модели (DEM) маълумотлари асосида ГАТ дастури ёрдамида ўрганилаётган ҳудуднинг чегарасини аниқлаш; 2) Дукант метеостанцияси ва Қамчиқ қор кўчки станциялари маълумотлари асосида ҳавзада сўнгги ўттиз йиллик иқлим маълумотларини таҳлил қилиш; 3) ушбу маълумотлар асосида ҳавзада иқлим (метеорологик) факторларининг қор қоплами динамикасига таъсирини аниқлаш.

Тадқиқот ишида Оҳангарон ҳавзасида жойлашган метеостанциялар маълумотлари бўйича ўртача ойлик ҳаво ҳарорати, ёғинлар миқдори, қор қоплами давомийлиги каби кўрсаткичларнинг ўзгаришлари таҳлил қилинди. Ҳавзанинг қор қоплами майдонининг динамик ўзгариши масофадан зондлаш (MODIS) маълумотлари асосида ўрганилди. MODIS маълумотларига MODSNOW дастурида ёрдамида қайта ишлов берилиб, ГАТ дастури қўлланилган ҳолда ҳавзанинг кунлик қор қоплами ҳолати бўйича хариталар тайёрланди. Шунингдек, метеостанцияларда ҳаво ҳароратлари ва ёғин миқдорлари орасидаги боғланишлар Пирсон корреляция коэффициенти бўйича ҳисобланди:

$$r_p = \frac{cov}{\sigma_x \sigma_y} = \frac{\sum (x - \bar{x})(y - \bar{y})}{\sqrt{\sum (x - \bar{x})^2 (y - \bar{y})^2}}$$

бу ерда x , y – ўзгарувчилар, \bar{x} , \bar{y} – ўзгарувчиларнинг ўртача арифметик қийматлари, cov – ковариация коэффициенти, σ_x ва σ_y – x ва y ўзгарувчиларининг ўртача квадрат четланишлари.

Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Оҳангарон дарёси ҳавзаси географик жойлашувига кўра республикамизнинг шимолий-шарқида, ғарбий Тяньшан тоғ тизмаларининг давоми ҳисобланган Чотқол ва Қурама тоғ тизмаларида жойлашган (1-расм). Ҳавзанинг тоғли қисмида метеорологик кузатишлар олиб бориладиган иккита метеостанция – Дукант метеостанцияси ва Қамчиқ қор кўчки станцияси мавжуд. Ушбу станциялар маълумотлари асосида ҳавзанинг тоғли қисмидаги метеорологик кўрсаткичларнинг ўзгаришларини кўпйиллик маълумотлар асосида таҳлил қилиш мумкин.



1-расм. Оҳангарон дарёси ҳавзаси ва метеостанциялар жойлашуви

Рис. 1. Бассейн реки Ахангаран и местоположение метеостанций

Fig. 1. Akhangaran River basin and location of meteostations

Иқлим ўзгариши тоғли ҳудудларда мавсумий қор қопламнинг давомийлиги ва қор миқдорига сезиларли таъсир кўрсатади. Тадқиқ этилаётган ҳудудда кўпйиллик маълумотлар асосида барқарор қор қоплами давомийлиги, ҳаво ҳарорати ва ёғингарчилик миқдорининг ўзгаришларини таҳлил қилиш иқлим ўзгаришининг қор қоплами динамикасига таъсирини баҳолашга имкон беради.

Тоғларда ер юзасига яқин бўлган атмосфера босими текисликларга қараганда паст, ҳаво зичлиги эса камроқ, мутлақ баландлик ортиши билан ер юзасига яқин ҳаво ҳарорати пасаяди, ёғингарчилик миқдори ортиб эса боради. Таҳлилларга кўра, сўнгги 30 йилда (1991-2020 йй.) ўртача йиллик ҳаво ҳарорати Қамчиқ довоида 6,2°C, Дукантда 8,4°C ни ташкил этган. Мазкур даврда энг юқори ўртача йиллик ҳаво ҳарорати 2016 йилда Қамчиқда 7,2°C, Дукантда 9,6°C бўлган. Энг паст ўртача йиллик ҳаво ҳарорати 1993 йилда Қамчиқда 4,7°C, Дукантда 6,9°C кузатишган. Қор қоплами кузатиладиган мавсум (октябрь-март) учун ҳавзадаги сўнгги 30 йил учун кўпйиллик ойлик ўртача, максимал ва минимал ҳаво ҳароратлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Қамчиқ ҚКС ва Дукант МСда октябрь-март (X-III) ойларида кузатишган ўртача ойлик ҳаво ҳароратлари, °C (1991-2020 йй.)

Таблица 1

Среднемесячная температура на СЛС Камчиқ и МС Дукант, наблюденная в октябре-марте (X-III) (1991-2020 гг.)


Table 1

Average monthly temperature at Kamchik AS and Dukant MS observed in October-March (X-III), °C (1991-2020)

Станция	X	XI	XII	I	II	III	Мин.	Макс.	Ўртача
Қамчиқ	+6,5	+0,9	-3,4	-5,4	-4,5	0,0	-5,4	+6,5	-1,0
Дукант	+8,8	+3,2	-0,7	-2,7	-1,9	2,4	-2,7	+8,8	+1,5

Метеорологик ва иқлимий хусусиятларига кўра тоғлар кўп жиҳатдан текисликлардан фарқ қилади. Тадқиқ этилаётган Оҳангарон дарё ҳавзасининг тоғли қисмида сўнгги ўттиз йилликда (1991-2020 йй.) ўртача йиллик ҳаво ҳарорати кўтарилаётганлиги кузатилмоқда (2-расм).

Тадқиқот ишида ҳавзага ёққан ёгинлар миқдорларининг сўнги ўттиз йилликда ўзгаришлари ўнйилликлар бўйича таҳлил қилинди. Биринчи ўнйилликда (1991-2000 йй.) турли йилларда йиллик ёгинлар миқдорини кескин ортиши ва камайиши кузатилган; иккинчи ўнйилликда (2001-2010 йй.) ёгинлар миқдорини кескин ўзгаришларсиз камайиши кузатилган; учинчи ўнйилликда (2011-2020 йй.) ёгинлар миқдорининг камайиши давом этган (За-расм). Таҳлил этилаётган йилларда Қамчиқ қор кўчки станциясида энг кўп йиллик ёгинлар миқдори 1110 мм (1993 йй.), энг кам йиллик ёгинлар 374,5 мм (1995 йй.) қайд этилган. Дуқант метеостанциясида энг кўп йиллик ёгинлар 1482,1 мм (1998 йй.), энг кам йиллик ёгинлар 509,7 мм (1995 йй.) миқдорда кузатилган. Умуман олганда, иқлим ўзгариши шароитида тадқиқ этилаётган ҳудудда йиллик ёгинлар миқдорининг камайиб бораётганлиги аниқланди.




2-расм. Қамчиқ ҚКС ва Дуқант МСда: а) ўртача йиллик ҳаво ҳарорати, б) ўртача ойлик ҳаво ҳарорати, в) қиш мавсуми учун ўртача ойлик ҳаво ҳарорати, г) кўп йиллик ўртача ҳаво ҳароратлари орасидаги боғлиқлик (1991-2020 йй.)

Рис. 2. На Камчик СЛС и Дуқант МС: а) среднегодовые температуры воздуха, б) среднемесячные температуры воздуха, в) среднемесячные температуры воздуха за зимний период, г) взаимосвязь среднегодовых температур воздуха (1991-2020 гг.)

Fig. 2. At Kamchik AS and Dukant MS: a) average annual air temperatures, b) average monthly air temperatures, v) average monthly air temperatures for the winter season, g) correlation of average annual air temperatures (1991-2020)

Ўзгарувчан иқлим шароитида дарёлар оқимини шаклланиш зонасида қор қопламнинг давомийлигини таҳлил қилиш ҳавзада сув ресурсларини ўзгаришлари тенденцияларини аниқлашга имкон беради. Қор қопламнинг давомийлиги тоғ ёнбағирларининг экспозицияси ва денгиз сатҳидан баландлигига муайян даражада боғлиқ. Қор қопламнинг максимал давомийлиги Қамчиқ ҚКСда 169 кунни (1993-1994 йй. мавсумида), Дуқант МСда 168 кунни (2011-2012 йй. мавсумида) ташкил этган.

Энг минимал давомийлик Қамчиқ ҚКСда 111 кун (2015-2016 йй.), Дукант МСда 109 кун (2010-2011 йй.) бўлган (3б-расм).



3-расм. Оҳангарон ҳавзасида 1991-2020 гидрологик йиллар давомида

а) йиллик ёғин миқдори, б) барқарор қор қоплами кунларининг давомийлиги, ва в) унинг фоизларда ўзгариши

Рис. 3. В бассейне реки Ахангаран за 1991-2020 гидрологические годы

а) годовое количество осадков, б) продолжительность дней с устойчивым снежным покровом, и в) его изменение в процентах

Fig. 3. In Akhangaran River basin during 1991-2020 hydrological years


а) annual precipitation amount, б) duration of days with stable snow cover, and в) its change in percentage

Бугунги кунда дунё амалиётида қўлланилаётган сунъий йўлдош маълумотлари орқали қор қоплами майдони ҳақидаги маълумотларни олиш мумкин. MODIS сунъий йўлдоши кунлик қор маълумотларини тақдим этади. Қор қопламининг майдонини ҳисоблаш учун MODSNOW-Tool дастурида қайта ишланган MODIS тасвирларидан фойдаланиш мумкин, бу дастур сунъий йўлдош тасвирларидаги булут қопламини олиб ташлаш имконини беради [Gafurov, Bárdossy, 2009].

MODSNOW-Tool дастурида булутни олиб ташлашнинг аниқлиги 94% ни ташкил қилади [Gafurov et al., 2016]. MODIS сунъий йўлдоши суратларидан олинган қор қоплами ҳақидаги маълумотларнинг ердаги кузатишлар маълумотларга нисбатан аниқлиги Марказий Осиё учун 93% ни ташкил қилади [Gafurov et al., 2013]. Қор қоплами мониторингини олиб боришда кунлик қор маълумотларининг мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқот ишида масофадан зондлаш маълумотларига MODSNOW дастури ёрдамида қайта ишлов берилиб, Оҳангарон дарёси ҳавзасининг юқори – оқим шаклланиш зонасида 31 март ҳолатига кўп йиллик (2000-2020 йй.) қор қоплами хариталари яратилди (4-расм).

Ушбу хариталар асосида ҳавза майдонининг қор билан қопланганлиги таҳлил

килинди. Бунда, кўк ранг қор билан қопланган майдон ва яшил ранг қорсиз ҳудудларни билдиради. Тасвирлар таҳлили 2012 ва 2014 йилларда ҳавзада қор қоплами майдони энг катта, 2008 ва 2016 йилларда эса энг кичик бўлганлигини кўрсатди, бунда 2012 йил 31 март ҳолатига қор қоплами майдони ўрганилаётган ҳудуднинг 93,8 % ини, 2008 йилда эса 53,9 % ини ташкил этган (4-расм).



4-расм. Охангарон дарё ҳавзасида 31 март ҳолатига қор қопламининг ўзгариши (2000-2020 йй.)

Рис. 4. Изменение снежного покрова в бассейне реки Ахангаран по состоянию на 31 марта (2000-2020 гг.)

Fig. 4. Changes in snow cover in the Akhangaran River basin as of March 31 (2000-2020)

Хулоса. Тадқиқот ишида метеорологик кўрсаткичлар ва қор қопламини таҳлили асосида қуйидагилар аниқланди.

1. Оҳангарон дарё ҳавзаси тоғли қисмидаги метеостанциялар маълумотларига кўра ўртача йиллик ҳароратлар кўтарилиб бормоқда.

2. Тадқиқ этилаётган ҳудудда ўртача йиллик ҳароратлар кўтарилиб бориш шароитида йиллик ёғинлар миқдори камаймоқда.

3. Оҳангарон дарёси ҳавзасининг юқори – оқим шаклланиш зонасида барқарор қор қопламини кунларининг давомийлиги сўнги 30 йил давомида асосий камайиб бориш тенденцияси охириги ўн йилликда жадаллашган.

4. MODIS сунъий йўлдоши маълумотларини MODSNOW-Tool дастурида қайта ишлаш натижаларига кўра ҳавзада 31 март ҳолатига қор қопламини майдонининг 70% дан кам ҳолатлари 2010 (69,69%), 2016 (54,94%), 2018 (63,96%) ва 2020 (63,46%) йилларда кузатишган. Ушбу натижалар асосида охириги ўн йилликда ҳавзада қор қопламини майдонининг кўпроқ қисқарганлигини кўриш мумкин. Бу ўз навбатида дарёнинг вегетация давридаги оқимига таъсир кўрсатган.

Қор қопламини масофадан зондлаш ёрдамида ўрганиш асосида Оҳангарон дарёси оқимини прогнозлаш кейинги тадқиқотларда кўриб чиқилади.

Миннатдорчилик. Мазкур тадқиқот Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтида амалга оширилаётган ИЛ-5721122065 «Сув ва қишлоқ хўжалигида мослашиш салоҳиятини ошириш учун Ўзбекистонда иқлим ўзгаришининг сув ресурсларига таъсирини баҳолаш технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Муаллифлар ҳиссаси. **Б.Э. Нишонов:** мақола ғояси, методология, матнни таҳрир қилиш, раҳбарлик. **Ж.К. Махмудов:** объектни танлаш, маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, натижалар таҳлили, мақола матнини ёзиш. **А.Ж. Мамараимов:** маълумотларни қайта ишлаш, хариталарни яратиш. Барча муаллифлар кўлёзманинг нашрга тайёрланган шаклини ўқиб чиқдилар ва ўз розиликларини билдирдилар.

АДАБИЁТЛАР

Айзен В.Б., Айзен Е.М., Мелак Ж.А. Климат, снежный покров, ледники и сток в Тянь-Шане // Бюл. водных ресурсов. 1995. № 31 (6). – С. 1113–1129.

Второй оценочный доклад Росгидромета об изменениях климата и их последствиях на территории Российской Федерации / Г.В. Алексеев, М.Д. Ананичева, О.А. Анисимов и др. – М.: Росгидромет, 2014. – 93 с.

Ҳасанов И.А., Фуломов П.Н. Ўзбекистон табиий географияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007. – 162 б.

Gafurov A., Bárdossy A. Cloud removal methodology from MODIS snow cover products // Hydrology and Earth System Sciences. 2009. P. 1361–1373. Doi: 10.5194/hess-13-1361-2009.

Gafurov A., Kriegel D., Vorogushyn S., Merz B. Evaluation of remotely sensed snow cover product in Central Asia // Hydrology Research. 2013, 44: 506–522. Doi: 10.2166/nh.2012.094.

Gafurov A., Lüdtke S., Unger-Shayesteh K., Vorogushyn S., Schöne T., Schmidt S., Kalashnikova O., Merz B. MODSNOW-Tool: an operational tool for daily snow cover monitoring using MODIS data // Environmental Earth Science. 2016. № 75. - P. 1078. Doi: 10.1007/s12665-016-5869-x.

Mamaraïmov A.J., Nishonov B.E., Gafurov A.A., Gafurov A.A., Adkhamov U.B. Using remote sensing data to study the seasonal dynamics of snowline in the Pskem River basin // Hydrometeorology and Environmental Monitoring. 2021, No. 3. – PP. 45-56.

Singh P., Spitzbart G., Hübl H., Weinmeister H.W. Hydrological response of snowpack under rain-on-snow events: a field study // Journ. Of Hydrology. 1997. V.202.

**ВЛИЯНИЕ ИЗМЕНЕНИЯ КЛИМАТА НА ДИНАМИКУ СНЕЖНОГО
ПОКРОВА В БАССЕЙНЕ РЕКИ АХАНГАРАН****Б.Э. НИШОНОВ¹, Ж.К. МАХМУДОВ¹, А.Ж. МАМАРАИМОВ²**¹ Научно-исследовательский гидрометеорологический институт, jahongirmahmud@mail.ru

Аннотация: В статье анализирована динамика изменения метеорологических показателей и снежного покрова на горной части бассейна реки Ахангаран. В результате анализа данных метеорологической станции Дукант и снеголавинной станции Камчик, расположенных в бассейне за 1991-2020 гг. выявлено повышение среднегодовых температур и уменьшение количества осадков. Наблюдается уменьшение дней со снежным покровом на горной части бассейна. На основе обработки спутниковых снимков MODIS программой MODSNOW-Tool определены изменения площади снежного покрова по состоянию на 31 марта за 2000-2020 годы.

Ключевые слова: снежный покров, температура воздуха, количества осадков, изменение климата, MODIS, MODSNOW, река Ахангаран, бассейн реки.

**IMPACT OF CLIMATE CHANGE ON SNOW COVER DYNAMICS
IN THE AKHANGARAN RIVER BASIN****B.E. NISHONOV¹, J.K. MAKHMUDOV¹, A.J. MAMARAIMOV¹**¹ Hydrometeorological Research Institute, jahongirmahmud@mail.ru

Abstract: The article analyzed the dynamics of changes in meteorological parameters and snow cover on the mountainous part of the Ahangaran river basin. The analysis of data from the Dukant meteorological station and the Kamchik avalanche station located in the basin for 1991-2020 revealed an increase of average annual temperatures and a decrease of precipitation. A decrease in days with snow cover on the mountainous part of the basin is observed. Based on the processing of MODIS satellite images by the MODSNOW-Tool program, changes in the snow cover area as of March 31 for 2000-2020 are determined.

Keywords: snow cover, air temperature, rainfall, climate change, MODIS, MODSNOW, Ahangaran river, river basin.

REFERENCES

Ayzen V.B., Ayzen E.M., Mekak Dj.A. Klimat, snejniy pokrov, ledniki i stok v Tyanshane [Climate, snow cover, glaciers and runoff in Tien Shan] // Byulliten Water resources. 1995. No. 31 (6). – S. 1113–1129. (in Russian)

Vtoroy otsenochnyy doklad Rosgidrometa ob izmeneniyah klimata i ih posledstviyah na territorii Rossiyskoy Federatsii [Roshydromet's Second Assessment Report on Climate Change and Its Consequences in the Russian Federation] / G.V.Alekseev, M.D.Ananicheva, O.A.Anisimov i dr. – M.: Rosgidromet, 2014. – 93 s. (in Russian)

Khasanov I.A., Gulamov P.N. Ozbekiston tabiiy geografiyasi [Physical geography of Uzbekistan]. – Toshkent: O'qituvchi, 2007. – 162 b. (in Uzbek)

**АТРОФ-МУҲИТ МОНИТОРИНГИ /
МОНИТОРИНГ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ /
ENVIRONMENTAL MONITORING**

УДК 551.509

ДИАГНОСТИКА ПЫЛЬНЫХ БУРЬ ПО ДАННЫМ AVHRR NOAA**М.Л. АРУШАНОВ^{1*}, Б.Э. НИШОНОВ¹, Л.Ю. ШАРДАКОВА¹**¹ Научно-исследовательский гидрометеорологический институт, mikl-arushanov@rambler.ru

Аннотация. В статье показано, что для адекватного применения индекса запылённости с использованием радиометрических данных, доставляемых с борта искусственного спутника Земли, необходимо предварительно исследовать спектральные характеристики объектов изображения с целью получения оптимальных диапазонов длин волн (каналов) данного спутника в задаче машинной диагностики пыльных бурь. Предложен алгоритм машинной диагностики пыльных бурь на спутниковом изображении.

Ключевые слова: пыльная буря, радиометрические данные, спектральные характеристики, пылевой индекс, AVHRR NOAA.

Введение. Под явлением «пыльная буря» в метеорологии понимаются атмосферные условия, когда при скорости ветра выше определенного предела переносится большое количество пыли или песка. Как правило, пыльные бури типичны для географических районов с пустынными и степными ландшафтами, крайней засушливостью и континентальным климатом. Пустынный иссушенный ландшафт, свободный от растительного покрова, является наиболее сильным источником загрязнения атмосферы. В распаханых степях пыльные бури являются причиной неурожая, выдувая верхние слои почвы вместе с семенами и молодыми растениями. Поэтому пылевая или пыльная буря классифицируется как метеорологическое явление, приводящее к стихийным бедствиям [Смирнов, 1998]. В связи с этим, соответствующие статистические организации и страховые компании на территории СНГ, отвечающие за хронологию пыльных бурь и их последствий, опираются на достаточно жесткий нижний предел регламента, принятый в документе [Наставление..., 1989]: пыльная буря – явление при скорости ветра ≥ 15 м/с и наличием в приземном воздухе пылевой фракции. В силу жесткости этого документа реальная ситуация идеализируется, а вместе с тем, искажается полная картина следствия этого явления. Ставя материальный ущерб на второй план, первостепенным следствием пыльных бурь является здоровье человека.

Ярким примером наиболее благоприятных условий возникновения и распространения пыльных бурь является территория Республики Каракалпакстан – географическая область Аральской катастрофы. Песчано-солевые бури сделали в этом регионе почти невозможным земледелие на открытом грунте. За год с высохшего дна Арала ветер поднимает около 100 млн. тонн пыли и соли и разносит ее в радиусе более 500 км. Помимо загрязнения полей, песок и соль приводят к огромной минерализации осадков, достигающей после пылевых бурь от 300 до 500 мг/л, что не идет ни в какое сравнение даже с морской водой и, как следствие, – полное вымирание растительности. Высохшее дно Аральского моря, превратившееся в пустыню Аралкум, с поверхности

* Ответственный автор: mikl-arushanov@rambler.ru, тел.: +998 90 997-61-46

которого ветром переносятся большие массы засоленной пыли, является вместе с пустынями Каракумы и Кызылкум природным мощным источником загрязнения атмосферы на территории Узбекистана. На рис. 1 приведены спутниковые снимки (NOAA и MODIS) пыльных бурь 3 мая 2009 года и 4-5 ноября 2021 года. Во втором случае (4-5 ноября 2021 года) уровень загрязнения атмосферного воздуха твёрдыми частицами (PM10) составил 18000 мкг/м^3 , т.е. концентрация пыли более 30 раз превышала допустимую норму. За 150 лет наблюдений это экстремальные запылённые условия. Например, 24-часовой средний предел запылённости атмосферы по данным Агентства по охране окружающей среды США составляет 150 мкг/м^3 для PM10 [<https://www.epa.gov/>]. Самые высокие почасовые концентрации были зарегистрированы в Эль-Пасо (штат Техас), которые составили 5000 мкг/м^3 , т.е. почти в четыре раза ниже, наблюдаемых в Узбекистане 4-5 ноября 2021 года.




Рис. 1. Спутниковые снимки (синтезированные) пустыни Аралкум 3 мая 2009 года с пыльной бурей (а) и пыльная буря 4-5 ноября 2021 года (показаны стрелками) в восточной части Узбекистана (б)

Fig. 1. Satellite images (synthesized) of the Aralkum Desert May 3, 2009 with dust storm (a) and dust storm on November 4-5, 2021 (shown by arrows) in eastern Uzbekistan (b)

Цель работы: разработать алгоритм автоматизированного (машинного) диагноза пыльных бурь по данным радиометрических изображений AVHRR (*Advanced Very High Resolution Radiometer* – усовершенствованный радиометр очень высокого разрешения), передаваемых с ИСЗ серии NOAA (разрешение 1 км/пиксель) в 5 диапазонах длин волн (каналов). Определить наиболее информативные каналы с позиций диагностики пыльной бури для расчёта пылевого индекса *NDDI*.

Используемые данные. В работе использовалась информация, доставляемая с борта ИСЗ серии NOAA спектральным радиометром в 5 диапазонах длин волн. Обработки подвергались изображения, представленные в соответствующих каналах (табл. 1).

Таблица 1

Диапазоны длин волн радиометра AVHRR NOAA

Table 1

Radiometer wavelength ranges AVHRR NOAA

№ канала	Полоса захвата, км	Угол обзора, град	Длина волны, нм
1	3000	$\pm 55,4^\circ$	620-670
2	3000	$\pm 55,4^\circ$	725-1100
3	3000	$\pm 55,4^\circ$	1580-1640
4	3000	$\pm 55,4^\circ$	10300-11300
5	3000	$\pm 55,4^\circ$	11500-12500

Алгоритм диагностики пыльных бурь по данным космической съёмки. Распознавание (дешифрирование) пыльных бурь на спутниковых снимках представляет определенные трудности, связанные с возможностью ошибочной диагностики из-за геометрически похожих на пылевой шлейф изображений облаков, особенно, перистого типа. Хотя и имеются в научной литературе определенные рекомендации по выбору признаков наличия на снимке пыльной бури [Минина, 1974], тем не менее, следуя этим признакам, сам процесс дешифрирования остается субъективным, а результат зависит от опыта дешифровщика. Кроме того, субъективное дешифрирование космических снимков не может должным образом быть привязанным к автоматизированной системе диагноза и прогноза пыльных бурь. В связи с этим, для диагностики пыльных бурь на спутниковом снимке рассчитываются полевые индексы, предложенные в работе [John et al., 2006]. Нормализованный дифференциальный пылевой индекс *NDDI* (*normalized difference dust index*) определяется выражением

$$NDDI = \frac{OD_{k_1} - OD_{k_2}}{OD_{k_1} + OD_{k_2}},$$

где, *OD* – оптическая плотность (отражательная способность), *k*₁, *k*₂ – каналы спектральных измерений на соответствующих длинах волн. Например, для ИСЗ *MODIS* в работе [John et al., 2006] были получены наиболее оптимальные каналы с длинами волн *k*₁ = 2,13 μm, *k*₂ = 0,469 μm.

Поскольку в Центра гидрометеорологической службы Республики Узбекистан (Узгидромет) широко используются в оперативной работе данные, доставляемые с борта ИСЗ NOAA, то в целях их использования в задаче диагностики пыльной бури на основе *NDDI*, необходимо получить оптимальные каналы в рамках информативности последнего. Для этого был выполнен анализ спектральных характеристик различных типов объектов (рис. 2) на изображении с пыльной бурей:




Рис. 2. Изображение пыльной бури по данным ИСЗ NOAA-18 07.03.2007г. в пяти диапазонах длин волн (левый рисунок 1-5)

Примечание: по данным наземных наблюдений пыльная буря была зарегистрирована на метеостанции Муйнак, выделенные на изображении объекты показаны схематически на правом рисунке.

Fig. 2. Image of a dust storm according to NOAA-18 satellite data on 07.03.2007 in five ranges of wavelengths (left figure 1-5)

Note: according to ground-based observations, a dust storm was registered at the Muynak meteorological station, the objects selected in the image are shown schematically in the right figure.

1. Пустыня глинистая.
2. Пустыня песчаная.
3. Облака (фронтальная облачность).
4. Снег.
5. Обсохшее дно Аральского моря.
6. Вода глубокая.
7. Вода мелкая.
8. Лед.
9. Пыльная солепесчаная буря.

На рис. 3 представлены гистограммы изображений в соответствующих диапазонах длин волн и спектральные характеристики выделенных объектов. Как видно из распределений спектральных характеристик, как функций длины волны, рассматриваемые объекты достаточно хорошо отличаются друг от друга своими отражательными свойствами.




Рис. 3. Спектральные характеристики выделенных на изображении с пыльной бурей объектов (NOAA AVHRR 07.03.2007 г.)

Примечание: распределения оптической плотности, как функции длины волны (верхний рисунок), оптическая плотность типов объектов на снимки ИСЗ NOAA (нижний рисунок).

Fig. 3. Spectral characteristics of objects identified in the dust storm image (NOAA AVHRR 03.07.2007)

Note: optical density distributions as a function of wavelength (upper figure): optical density of object types on NOAA satellite images (lower figure).

Данное свойство, как следствие, находит свое отражение в пылевом индексе *NDDI*, рассчитанном для различных сочетаний спектральных каналов AVHRR (рис. 4). Анализ рисунков 3 и 4 позволяет выбрать наиболее оптимальное сочетание каналов в задаче распознавания пыльной бури на изображении по индексу *NDDI*: 1-й канал AVHRR – 0,63 мкм и 4-й канал AVHRR – 10,82 мкм.

Алгоритм распознавания пыльной солепесчаной бури на спутниковом изображении по спутниковым данным в указанных диапазонах длин волн строится по схеме, предложенной в работе [Архипкин, Сагатдинова, 2008].



Рис. 4. Значения индекса NDDI, рассчитанного для выделенных объектов (рис. 2) по различным сочетаниям каналов NOAA AVHRR

Примечание: пятый канал из-за близости его с четвертым каналом был исключен.

Fig. 4. Values of the NDDI index calculated for selected objects (Fig. 2) for various combinations of NOAA AVHRR channels.

Note: the fifth channel was excluded due to its proximity to the fourth channel.

Как видно из схемы, представленной на рис. 5, распознавание пыльной бури на снимке NOAA по данным AVHRR выполняется в два этапа: на первом этапе по индексу *NDDI* выделяются песчаные объекты на фоне всех остальных, на втором этапе выделяется взвешенная в воздухе песчаная пыль на фоне песчаной пыли подстилающей поверхности. Данная процедура физически корректна из-за разницы температур взвешенной в воздухе и лежащей на земле песчаной пыли: выделенные на первом этапе объекты с песчаной бурей подвергаются классификации по критерию теплового индекса.




Рис. 5. Схема алгоритма машинного диагноза пыльной бури на изображении ИСЗ NOAA

Fig. 5. Scheme of the algorithm for machine diagnosis of a dust storm on the image of the NOAA satellite

Полученная на снимке область с выделенной пыльной бурей подвергается векторизации и визуализации векторного изображения. Последовательность реализации процедур в соответствии с приведенной выше схемой, промежуточными и конечными результатами, приведена на рис. 6.




Рис. 6. Последовательность реализации алгоритма машинного диагноза солепесчаной бури по данным AVHRR NOAA 07.03.2007 г.

Fig. 6. Sequence of implementation of the algorithm of machine diagnosis of salt sand storms on the basis of 07.03.2007 AVHRR NOAA data

Заключение. Для адекватной диагностики пыльной бури на спутниковом изображении с использованием пылевого индекса *NDDI* необходимо получить спектральные характеристики объектов изображения в различных диапазонах длин волн по данным приборов, установленных на том или ином спутнике. В частности, например, для MODIS были получены наиболее оптимальные каналы [John et al., 1998] с длинами волн $k_1 = 2,13 \mu\text{m}$, $k_2 = 0,469 \mu\text{m}$. В данной работе для аппаратуры AVHRR NOAA они соответственно равны: 1-й канал AVHRR – $k_1 = 0,63 \mu\text{m}$ и 4-й канал AVHRR – $k_2 = 10,82 \mu\text{m}$.

Благодарности. Настоящее исследование выполнено в рамках совместного Узбекско-Японского прикладного проекта Научно-исследовательского гидрометеорологического института АЛ-5721122055 “Разработка технологии системы мониторинга пыльных бурь с использованием наземных и спутниковых данных”, финансируемого Министерством инновационного развития Республики Узбекистан.

Вклад авторов. **М.Л. Арушанов:** постановка задачи, разработка алгоритма. **Б.Э. Нишонов:** анализ возникновения и распространения пыльных бурь на территории Узбекистана. **Л.Ю. Шардакова:** реализация алгоритма машинного распознавания пыльных бурь. Все авторы прочитали и согласны с подготовленной к публикации версией рукописи.

ЛИТЕРАТУРА

Архипкин О.П., Сагатдинова Г.Н. Космический мониторинг пыльных бурь Приаралья с помощью пылевого индекса *NDDI* / Шестая всероссийская открытая ежегодная конференция «Современные проблемы дистанционного зондирования Земли из космоса». Москва: ИКИ РАН, 2008. – С. 12-19.

Минина Л.С. Практика нефанализа. – Л.: Гидрометеиздат, 1974. – 220 с.

Наставление метеорологическим станциям и постам. – Л.: Гидрометеоздат, вып. 3, часть 1, 1989. – 164 с.

Смирнов В.В. Генезис и геофизические последствия пылевых бурь // В кн. «Вопросы физики атмосферы». – СПб.: Гидрометеоздат, 1998. – С. 171-206.

Qu J., Hao X., Kafatos M., Wang L. Asian Dust Storm Monitoring Combining Terra and Aqua MODIS SRB Measurement // IEEE Geoscience and Remote Sensing Letters, vol. 3, no. 4, October 2006. – PP. 284-486.

Электронный ресурс:

<https://www.epa.gov/>

AVHRR NOAA MAЪЛУМОТЛАРИ АСОСИДА ЧАНГ БЪРОНЛАРИ ДИАГНОСТИКАСИ

М.Л. АРУШАНОВ¹, Б.Э. НИШОНОВ¹, Л.Ю. ШАРДАКОВА¹

¹ Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти, mikl-arushanov@rambler.ru

Аннотация. Мақолада ер сунғий йўлдошидан олинган радиометрик маълумотлардан фойдаланиб чанг индексидан тўғри фойдаланиш учун чанг бўронларини компьютер ёрдамида аниқлашда ушбу сунғий йўлдошининг оптимал тўлқин узунлиги диапазонларини (каналларини) олиш мақсадида дастлаб тасвир объектларини спектрал хусусиятларини ўрганиш зарур. Сунғий йўлдош тасвиридаги чанг бўронини компьютер ёрдамида аниқлаш алгоритми таклиф этилган.

Калит сўзлар: чанг бўрони, радиометрик маълумотлар, спектрал хусусиятлар, чанг индекси, AVHRR NOAA.

DIAGNOSTICIS OF DUST STORMS ON THE BASIS OF AVHRR NOAA DATA

M.L. ARUSHANOV¹, B.E. NISHONOV¹, L.Yu. SHARDAKOVA¹

¹ Hydrometeorological Research Institute, mikl-arushanov@rambler.ru

Abstract. The article shows that in order to adequately apply the dust index using radiometric data delivered from an artificial Earth satellite, it is necessary to first study the spectral characteristics of image objects in order to obtain the optimal wavelength ranges (channels) of this satellite in the problem of machine diagnostics of dust storms. An algorithm for machine diagnostics of dust storms on a satellite image is proposed.

Keywords: dust storm, radiometric data, spectral characteristics, dust index, AVHRR NOAA.

REFERENCES

Arhipkin O.P., Sagatdinov G.N. Kosmishtskiy monitoring pilnih bur Priaralya s pomoshuy pilevogo indeksa NDDI. [Space monitoring of dust storms in the Aral Sea region using the NDDI dust index] / Shestaya vsrossiyskaya otkritiya yejegodnaya konferenciya «Sovremennye problemy distancionnogo zondirovaniya Zemli iz kosmosa». – Moskva: IKI RAN, 2008. – S. 12-19. (in Russian)

Minina L.S. Praktika nefanaliza. [Non-Phanalization Practice] – L.: Gidrometeoizdat, 1974. – 220 s. (in Russian)

Nastavlenie meteorologicheskim stanciyam i postam. [Instructions for meteorological stations and posts] – L.: Gidrometeoizdat, vip. 3, chast 1, 1989. – 164 s. (in Russian)

Smirnov V. V. Genезis i geofizicheskie posledstviya pilevih bury. [Genesis and geophysical consequences of dust storms] // V kn. «Voprosi fiziki atmosfery. – S.-P.: Gidrometeoizdat. – 1998. – S. 171-206. (in Russian)

Electronic resours:

<https://www.epa.gov/>

УДК 504.4.054:504.453

НОРИН ДАРЁСИ СУВИ СИФАТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ

Б.Э. НИШОНОВ^{1*}, И.Р. РАЗИКОВА¹, М.Б. НАЗИРҚУЛОВА²¹ Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти, bnishonov@mail.ru² Наманган давлат университети

Аннотация: Мақолада Норин дарёси суви сифатининг замонавий ҳолати кўпйиллик (1990-2019йй.) маълумотлар асосида минерализация, органик ифлосланишлар, биоген моддалар, фторидлар, оғир металллар бўйича ўрганилган. Ушбу ифлослантирувчи моддаларнинг дарё сувидаги ойлари бўйича, йил ичидаги ва кўпйиллик ўзгаришлари аниқланган. Норин дарёсининг Сирдарёга қуйилиш қисмида минерализация 345-611 мг/дм³ орасида ўзгарган, ифлослантирувчи моддалардан нитритлар баъзи йилларда рухсат этилган меъёрдан юқори қийматларда бўлган.

Калит сўзлар: сув сифати, минерализация, органик ифлосланиш, БКИ, ККИ, биоген моддалар, фторидлар, оғир металллар, Норин дарёси.

Кириш. Норин дарёси трансчегаравий дарё бўлиб, Қирғизистон ва Ўзбекистондан оқиб ўтади. Дарё Норин шаҳридан 44 км шарқда Катта Норин ва Кичик Норин дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Норин дарёси ҳавзасининг майдони 59110 км², шундан 98% ҳавзанинг тоғли қисмини ёки сув йиғиш майдонини ташкил қилади. Норин дарёси Ўзбекистон ҳудудига Учқўрғон шаҳри яқинида кириб келади ва Балиқчи шаҳри ёнида Қорадарё дарёси билан қўшилиб, Сирдарё дарёсини ҳосил қилади [Шульц, Машрапов, 1969]. Норин дарёси музлик-қордан тўйинувчи дарёларга киради, шу сабабли дарёнинг юқори қисмида максимал сув сарфи июль ойида, минимал сув сарфи февраль-март ойларида кузатилади. Қуйи томон, сув йиғиш ҳавзаси баландлигининг пасайиши ва тўйиниш шароитларининг ўзгариши сабабли, сув оқимининг йил ичидаги тақсимланиши ўзгаради ва максимал сув сарфи эртароқ кузатилади [Шульц, 1965]. Дарёда Тўқтағул, Учқўрғон, Курпсой, Тошқўмир ГЭСлари қурилган. Ўтган асрнинг 90-йилларида дарё оқимидан фойдаланишни ирригация мақсадларидан энергетика мақсадларига ўзгариши натижасида Норин дарёсининг қуйи қисмида оқимнинг юқори ҳажмлари куз-қиш ойларида тўғри келмоқда. Фарғона водийсида қишлоқ хўжалик ерларини суғориш учун муҳим бўлган Катта Фарғона, Марказий Фарғона, Шимолий Фарғона, Катта Наманган каналлари Норин дарёсидан сув олади [Шульц, Машрапов, 1969]. Норин дарёси сувининг гидрокимёвий таркиби ҳақида илмий адабиётларда маълумотлар жуда кам.

Дарё сув ресурсларининг Наманган вилояти иқтисодиёти ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари учун муҳим аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда дарё сув сифатининг замонавий ўзгаришларини баҳолаш долзарб вазифа ҳисобланади. Ушбу тадқиқотнинг мақсади Норин дарёси сув сифатининг замонавий ҳолатини ўрганиш бўлса, тадқиқотнинг объекти Норин дарёси, тадқиқотнинг предмети эса дарёнинг сув сифатидир.

Бирламчи маълумотлар ва тадқиқот усуллари. Тадқиқот ишида Норин дарёси сув сифати мониторингининг сўнгги 25 йиллик (1996-2021 йй.) маълумотлари кўриб чиқилди [Ежегодники, 1996-2021]. Норин дарёсида сув сифати мониторинги 1984 йилда 4 та кузатув пунктида бошланган. Булар – Тошқўмир (Тошқўмир шаҳридан 7 км юқорида) Учқўрғон (юқори - Учқўрғон шаҳридан 3 км юқорида ва қуйи – Учқўрғон шаҳридан 1 км қуйида) ва дарё қуйилиш қисмидаги (дарё қуйилишидан 0,2 км юқорида) пунктлар эди. Техник сабабларга қўра 1990 йилда 3 та кузатув пункти ёпилган ва фақатгина дарёнинг қуйилиш қисмидаги пункт фаолият кўрсатган. 1992-1995 йилларда ушбу ягона пункт ҳам


* Масъул муаллиф: bnishonov@mail.ru, тел.: +998 97 197-03-95

ёпилган ва 1996 йилда қайта очилган. Ҳозирги вақтда дарёнинг сув сифати мониторинги шу битта кузатув пунктида - Норин дарёсининг қуйилиш қисмидан 0,2 км юқорида, Шамсиқўл қишлоғидан 0,5 км пастда олиб борилмоқда. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Норин дарёси сув сифатини ўзгаришлари 1996-2021 йиллар маълумотлари асосида минерализация, сувда эриган кислород миқдори, органик ифлосланиш (кислороднинг кимёвий истеъмоли – ККИ ва кислороднинг биокимёвий истеъмоли – КБИ₅), биоген моддалар, фторидлар, феноллар, нефт маҳсулотлари, оғир металллар бўйича ўрганилди. Мониторинг маълумотларини ўрганиш дарё сувидан намуналар йилига 6-8 марта олинганлигини ва гидрокимёвий таҳлиллар ўтказилганлигини кўрсатди.

